Т.Қ. Оспанов, Ж.Қ. Астамбаева, Н.О. Мергенбаева

# МАТЕМАТИКА

## 1-қисм

Умумтаълим мактабларининг
2-синфи учун дарслик

# 2

*Қозоғистон Республикаси*
*Маориф министрлиги тавсия қилган*

Алматы
«Атамұра» – «Жазушы»
2022

ӘОЖ 373.167.1
КБЖ 22.1 я71
О-78

*Дарслик Бошланғич таълим босқичининг 1–4-синфлари учун мўлжалланган «Математика» фанининг намунавий ўқув дастурига мувофиқ тайёрланган*

## Шартли белгилар

Таянч сўзлар

Дарс мақсади

Янги мавзуга оид топшириқ

Такрорлаш ёки мустаҳкамлашга доир топшириқ

Ижодий топшириқ

Гуруҳда ишлаш

Жуфтликда ишлаш

Ёдда сақланг!

□ Номаълум сон

Арифметик амаллар белгиси

* Таққослаш белгиси

Қўшимча маълумот

Уй вазифаси

**Оспанов Т.Қ. ва бошқ.**
О-78 **Математика.** Умумтаълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик. Икки қисмли /Т.Қ. Оспанов, Ж.Қ. Астамбаева, Н.О. Мергенбаева. – Алматы: «Атамұра» – «Жазушы», 2022. – 144 бет.

ISBN 978-601-200-797-8

ӘОЖ 373.167.1
КБЖ 22.1 я71

1-қисм. – 2022. – 144 бет.
ISBN 978-601-200-799-2

© Оспанов Т.Қ., Астамбаева Ж.Қ., Мергенбаева Н.О., 2022
© «Атамұра», 2022
Өзбек тіліне «Жазушы» баспасында аударылды, 2022

ISBN 978-601-200-799-2 (1-қисм)
ISBN 978-601-200-797-8

## Ёш дўстим!

Қўлингизга «Сеҳрли» сонлар ҳамда турли амалларнинг ажойиб оламига йўлланма бўлган «Математика» дарслигининг биринчи қисмини олдингиз.

Сиз ушбу дарслик саҳифаларида математик атамалар билан танишасиз, икки хонали сонларни ўқишни, ёзишни, таққослашни, қўшиш ва айиришни ўрганасиз. Шунингдек, икки амалли масалаларни ечишни ҳам ўзлаштирасиз.

Дарслик мундарижасидан яна қандай мавзуларни ўқиб ўзлаштиришингизни билиб олишингиз мумкин.

Дарслик билан дўстлашинг! «Математика» дарслиги сизга сонлар сирини тушуниб, эгаллаган билимларингиздан кундалик ҳаётда фойдаланишингизда яхши ёрдамчи бўлади.

Билим йўлида босган қадамингиз муваффақиятли бўлсин!



# 1-ДАРС ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ. ЎНЛИКЛАР БИЛАН САНАШ

**Сиз икки хонали сонларнинг ҳосил бўлишини билиб оласиз.**

- икки хонали сонлар
- хона

**1.** Натурал сонлар деб нимага айтилади? 1-синфда эгаллаган билимингизни ёдингизга туширинг.

**2.** а) Квадратларни сананг. Агар 1 та квадратни 1 бирлик деб қабул қилсак, у ҳолда нечта бирлик бор?



1 бирл. = 1,   2 бирл. = 2, ..., 10 бирл. = 1 ўнл. = 10

б) Ҳар қайси расмда ҳаммаси бўлиб нечта квадрат бор?



1 ўнл. + 1 бирл. = 11



1 ўнл. + 2 бирл. = 12

в) Квадратларни ўнликлар билан сананг.

1 ўнлик



2 ўнлик

1 ўнл. = 10
2 ўнл. = 20
3 ўнл. = 30
...

**3.** Сонларни айтинг.

***Намуна***: 3 ўнл. 8 бирл. = 38

| | | |
|---|---|---|
| 5 ўнл. 6 бирл. | 9 ўнл. 7 бирл. | 8 ўнл. 5 бирл. |
| 6 ўнл. 9 бирл. | 7 ўнл. 8 бирл. | 41 бирл. |

**!** Икки хонали сонлар ўнликлар (иккинчи хонанинг бирлиги) ва бирликлардан (биринчи хона бирлиги) таркиб топади.

! Икки хонали сонлар чапдан ўнгга қараб ўқилади: аввал соннинг ўнликлари, сўнгра бирликлари айтилади.

**4.** Ҳар қайси расмда нечта нарса бор?





**5.** а) 20 дан 40 гача 1 тадан орттириб санаңг.
б) 30 дан 10 гача 1 тадан камайтириб санаңг.

**6.** Тушириб қолдирилган сонларни айтинг.

а) 50 бирл. = 50, 51 бирл. = 51, ..., 70 бирл. = 70;
б) 10 ўнл. = 100, 9 ўнл. = 90, ..., 1 ўнл. = 10.

**7.** Фақат жавоби 15 га тенг бўлган мисолларни ёзинг.

16 + 3   19 – 4   19 – 2   12 + 2   13 + 2

**8.** 70 дан 80 гача бўлган сонларни ўсиб бориш тартибида ёзинг.
40 дан 30 гача бўлган сонларни камайиб бориш тартибида ёзинг.

**9.** Сонларни айтинг: 73, 37, 77, 33.
- Ўша сонларни ёзиш учун қанча рақам керак?
- Биринчи юзликда нечта натурал сон бор?
- Ҳар бир соннинг ёзувидаги 3 ва 7 рақамлари нимани билдиради?

Соннинг ёзувидаги ҳар бир рақам маълум бир ўринга, яъни вазиятга эга. У **хона** деб аталади.

# 2-ДАРС ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ЎҚИШ ВА ЁЗИШ

**Сиз икки хонали сонларни ҳосил қилишни, ўқишни ва ёзишни ўрганасиз.**

**1.** Мансурнинг ёзги таътилда қандай китоблар ўқиганини билиб олинг. Бунинг учун доиралар сонини китоблар ёнидаги сонлар билан мослаштиринг. Мос сонлар жавобнинг тўғрилигини билдиради.

а)



б)



в)



34

25

29




**2.** Сонларни ёзинг ва ўқинг.

2 ўнл. 8 бирл.

6 ўнл. 0 бирл.

3 ўнл. 9 бирл.

75 бирл.

**3.** Икки хонали сонларни ёзинг ва ўқинг:

а) ўнликлар ва бирликларнинг рақамлари бир хил;
б) ўнликларнинг рақамлари 4 га тенг, бирликларнинг рақамлари ҳар хил.

**4.** а) Сонларни ўсиб бориш тартибида ёзинг.

18 14 7 2 16 20 5 0

б) Берилган сонлар орасидаги сонларни айтинг: 15 ва 18, 7 ва 14.

**5.** Мослаштиринг (оғзаки).

| **Сон** | **Соннинг ўқилиши** |
|---|---|
| 1) 25 | а) етмиш саккиз |
| 2) 34 | б) йигирма беш |
| 3) 78 | в) ўттиз тўрт |

*Жавоби*: 1)______, 2)______, 3)______.

**6.** а) 9 сони 6 дан неча бирлик ортиқ?
б) 4 сони 8 дан неча бирлик кам?

**7.** Масалани ечинг.

Онам дўкондан 10 та тухум сотиб олди. 4 та тухумдан қуймоқ пиширди. Нечта тухум қолди?

**8.**

| 9 гача тўлдиринг | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 7 | 6 | 5 | 4 | 3 |

| 3 та камайтиринг | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9 | 13 | 5 | 17 | 4 |

**9.** Икки хонали сонларни ёзинг ва ўқинг:
а) ўнликлари 1 га тенг, бирликлари ҳар хил;
б) ўнликлари ҳар хил, бирликлари бир хил 5 га тенг.

- «Математика» – юнонча сўз бўлиб, *«билим, илм»* деган маънони англатади.
- 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 – булар араб рақамлари.

# 3-ДАРС ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИНГ ХОНА ТАРКИБИ

**Сиз икки хонали сонларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёзишни ўрганасиз.**

хона қўшилувчилари

**1.** Икки хонали сонларнинг хоналар жадвалига қаранг. Ҳар бир соннинг ўнликларини ва бирликларини айтинг. Сонларни ёзинг.

| Ўнликлар (иккинчи хона бирликлари) | Бирликлар (биринчи хона бирликлари) | Соннинг ўқилиши | Соннинг ёзилиши |
|---|---|---|---|
| 2 | 9 | йигирма тўққиз | 29 |
| 4 | 7 | | |
| 7 | 8 | | |

**2.** Мурод сентябрь ойининг қайси кунида туғилган? Ўша сонни айтинг ва уни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси шаклида ёзинг.






- Қайси рақам бирликлар сонини билдиради?
- Қайси рақам ўнликлар сонини билдиради?
- Ўзингиз расм бўйича мустақил бошқа саволлар қўйинг.

**!** Икки хонали сонни хона қўшилувчилари кўринишида ёзиш мумкин: $17 = 10 + 7$. 10 ва 7 – хона қўшилувчилари.

**3.** Соннинг хона қўшилувчиларини топинг.

$98 = \square + \square$  $46 = \square + \square$  $39 = \square + \square$

**4.** Сонларни айтинг. Ҳар бир сонда нечта бирлик бор?

4 ўнл. 8 бирл. | 3 ўнл. 3 бирл. | 5 ўнл. 0 бирл. | 7 ўнл. 4 бирл.

**5.** Мисолларни ечинг.

12 + 7 18 – 6 20 + 80 90 – 60

**6.** Мослаштиринг (оғзаки).

| **Тенглама** | **Тенгламани ўқиш** |
|---|---|
| 1) $x + 7 = 17$ | а) 17 билан номаълум сон айирмасининг қиймати 7 га тенг. |
| 2) $17 - x = 7$ | б) Номаълум сон билан 7 нинг йиғиндиси 17 га тенг. |
| 3) $x - 7 = 10$ | в) 7 сони номаълум сондан 10 та кам. |

*Жавоби*: 1)______, 2)______, 3)______.

**7.** Сафия биринчи қаторга 13 та рақам, иккинчи қаторга ундан 2 та кам рақам ёзди. Сафия иккинчи қаторга нечта рақам ёзди?

**8.** Иккинчи хонанинг 3 бирлигидан ва биринчи хонанинг 5 бирлигидан ташкил топган сонни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёзинг.

**9.** Менинг туғилган кунимга дўстларим меҳмонга келишди. Сардор Абдулладан кейин, Абдулла эса Мадинадан кейин келди. Сафия Сардордан олдин келмади. Меҳмонга ким кимдан кейин келганини аниқланг.



**A** Энг кичик икки хонали сон – 10, энг катта икки хонали сон – 99.

## 4-ДАРС ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИНГ ГРАФИК МОДЕЛИ

соннинг график модели

**Сиз икки хонали сонларнинг график моделларини ўрганасиз.**

**1.** Расмга қаранг. Берилган рақамлардан фойдаланиб, 10 ва 20 сонлари орасидаги икки хонали сонлар кетма-кетлигини ёзинг.




**2. Тадқиқ қилиш.** Икки хонали сонларнинг график моделини қараб чиқинг (■, ● – ўнликлар сони; ■, ● – бирликлар сони).

а) 

б) 

в) 

- Ҳар қайси график моделга мос келувчи икки хонали сонни ёзинг.
- Ушбу сонларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёзинг.

**3.** Топшириқни бажаринг.

| | |
|---|---|
| 34 сонини турли рангдаги доиралар шаклида моделлаб кўрсатинг. | 47 сонини турли рангдаги квадратлардан ташкил топган чизма шаклида моделлаб кўрсатинг. |

**4.** Тенгламаларни топинг. Уларни ечинг.

$8 - x$ $\quad$ $10 - x = 8$ $\quad$ $10 - 3 = 7$ $\quad$ $5 > 3$ $\quad$ $x - 8 = 10$

**5.** Сонларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси шаклида ёзинг.

30 $\quad$ 27 $\quad$ 59 $\quad$ 93

**6.** 42 сонининг ўнликлар хонасидаги рақамнинг қийматини 1 та орттиринг. Бирликлар хонасидаги рақамнинг қийматини 1 та камайтиринг. Қандай сон ҳосил бўлди?

**7.** Масалани ечинг.
Болалар топишмоқ айтиш ўйнашди. Биринчи гуруҳ 19 та топишмоқ, иккинчи гуруҳ ундан 7 та кам топишмоқ айтди. Иккинчи гуруҳ қанча топишмоқ айтди?

**8.** Дафтар катакларидан фойдаланиб, 26 сонининг турли график моделини ясанг.
Ушбу соннинг «қўшниларини» хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёзинг.

## Кел, ўйнайлик!

**9.** «Поезд қуринг» ўйини.

***Намуна:*** $4 + 6 + 7 = 17$



## 5-ДАРС ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ТАҚҚОСЛАШ

**Сиз икки хонали сонларни таққослашни ўрганасиз.**

**1.** Сонлар нуридаги сонларни ўқинг. Тушириб қолдирилган сонларни айтинг.

0 4 7 10 12 15 18 20

- 10 сонининг «қўшниларини» ёзинг.
- 15 сонидан олдин ва кейин келадиган сонларни айтинг.

**2.** Сонларнинг хона таркибига суяниб, 17 билан 19 сонлари қандай таққосланади? Тушунтиринг.

$17 = \square + \square$ $19 = \square + \square$

**!**
- Икки хонали сонлар натурал сонлар қаторидаги ўрнига кўра таққосланади.
- Икки хонали сонлар хона бўйича иккинчи (ўнлик) хонадан бошлаб таққосланади.

Агар ўнликлар сони бир хил бўлса, у ҳолда бирликлар хонаси таққосланади.

**3.** Намуна бўйича сонларни таққосланг.

***Намуна*:**

59 > 56, чунки 5 ўнл. = 5 ўнл.,

аммо 9 бирл. > 6 бирл.

| | |
|---|---|
| 31 * 29 | 50 бирл.* 5 ўнл. 0 бирл. |
| 47 * 57 | 2 ўнл. 2 бирл.* 22 бирл. |

**4.** График моделлардан фойдаланиб, сонларни таққосланг.



**5.** Тенгсизликлар тузинг.

- 7 ва 2 сонларининг йиғиндиси 5 дан катта.
- 4 сони 9 билан 3 сонларининг айирмасидан кичик.
- 10 ва 3 нинг йиғиндиси 14 билан 4 нинг айирмасидан катта.

**6.** Мисолларнинг ечимини текширинг. Хатоларни тузатиб, дафтарга ёзинг.

$20 + 20 = 40$  $30 + 40 = 80$  $90 - 70 = 30$

**7.** 87 ва 92 сонлари орасида жойлашган сонларни камайиб бориш тартибида ёзинг.
Бу сонлар ичидаги энг катта соннинг олдида турган сонни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси шаклида ёзинг.

**8.** Икки хонали сонлар қаторини давом эттириб ёзинг. Бу сонларнинг ўхшашлиги нимада?



**6-**
**ДАРС**

# ЎЗИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

## ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАР

**Сиз:**

✓ икки хонали сонларни ҳосил қилишни, ёзишни, ўқишни;
✓ икки хонали сонларни тўғри санашни ва тескари тартибда айтишни;
✓ икки хонали сонларнинг натурал сонлар қаторидаги ўрнини аниқлашни;
✓ икки хонали сонларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёзишни;
✓ икки хонали сонларнинг график моделини ясашни;
✓ икки хонали сонларни таққослашни;
✓ содда масалаларни ечишни **ўргандингиз.**

**1.** Тегишли сонларни ёзинг.

7 ўнл. 2 бирл. = ...  9 ўнл. 0 бирл. = ...
9 ўнл. 8 бирл. = ...  6 ўнл. 2 бирл. = ...

**2.** Сонларни ёзинг: қирқ етти, эллик олти, олтмиш икки, етмиш бир, тўқсон саккиз, ўттиз тўрт, йигирма тўққиз.

**3.** Сонларнинг ёзилишидаги ҳар бир рақам нимани билдиради? Намуна бўйича ҳар қайси сонда нечта ўнлик, нечта бирлик борлигини ёзинг.

***Намуна:*** (21) – 2 ўнл. 1 бирл. ёки 21 бирл.

(75) (48) (23) (95) (61)

**4.** а) 69, 20, 47, 95, 38, 51 сонларининг «қўшни-ларини» ёзинг.

б) 87, 60, 81 сонларининг олдида турган сонларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишида ёзинг.

**5.** Сонларни таққосланг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 29 * 31 | 47 * 43 | 64 * 58 | 81 * 96 |
| 89 * 91 | 57 * 56 | 75 * 68 | 31 * 56 |

**6.** 59 сонининг график моделини ясанг:

а) турли рангдаги квадратлар шаклида;

б) турли рангдаги доиралар шаклида.

**7.** **Тадқиқ қилиш.** Хонадан ўтмасдан бир хонали сонларнинг *қисқача қўшиш жадвалини* туза оласизми?

| + | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |

- Жадвалдаги бўш ўринларга йиғиндининг қийматларини қўйинг.
- Қўшиш жадвали ёрдамида 8 ва 2 сонлари айирмасининг қийматини қандай топиш мумкин?

**8.** Масалани ечинг.

Жасурда 30 та ошиқ бор. У 10 та ошиқни дўстига берди. Жасурда нечта ошиқ қолди?





# 7-ДАРС ҚАВСЛИ ВА ҚАВССИЗ ИФОДАЛАР

**Сиз қавсли ва қавссиз ифодалар устида амаллар бажаришни ўрганасиз.**

қавслар

**1.** Мисолларни ечиб, инсонийлик қадриятлари-дан бирини билиб олинг.

10 + 6 (Т)　　16 − 10 (У)

7 + 3 − 9 (Ҳ)　　17 − 5 (М)

10 + 8 − 4 (А)

18 − 2 − 6 (Р)

| 1 | 6 | 10 | 12 | 14 | 16 |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |



**2.** а) Ифодалар қандай ўқилади, қийматлари қан-дай таққосланади?

(16 − 2) + 3　　16 − (2 + 3)

16 ва 2 сонларининг айирмасига 3 ни қўшинг. | 16 дан 2 ва 3 сонларининг йиғиндисини айиринг.

(16 − 2) + 3 ёзувида дастлаб 16 дан 2 ни айириб, сўнгра чиққан сонга 3 ни қўшиш керак:
16 − 2 = 14, 14 + 3 = 17. Демак: (16 − 2) + 3 = 17.
*Натижани ўқиш*: 16 ва 2 сонларининг айирмаси-га 3 ни қўшганда 17 ҳосил бўлади.

Бу ерда ( ) белгиси − **қавслар.**

б) 16 − (2 + 3) ифоданинг қийматини мустақил топинг.

**!** Қавсли ифодаларда дастлаб қавс ичидаги амал бажарилади.

**3.** Амалларнинг бажарилиш тартибини аниқланг. Ифодаларни ўқинг, қийматларини топинг.

***Намуна:*** 10 – (5 + 1) (② – ; ① +)

(50 + 20) – 60   10 – (8 + 1)
9 – (10 – 3)   17 – (4 + 3)

**4.** ◯ ўрнига тегишли амал ишорасини қўйинг.

5 ◯ 3 ◯ 2 = 4   10 ◯ 1 ◯ 1 = 10
7 ◯ 2 ◯ 5 = 0   10 ◯ 7 ◯ 6 = 9

**5.** Масалани ечинг.

Деҳқонлар шарафига уюштирилган концертга 15 нафар қиз бола ва улардан 4 нафар кам ўғил бола қатнашди. Концертга қанча ўғил бола қатнашган?

**6.** Ифодаларнинг қийматини топинг.

8 – (9 – 5)   (15 + 2) – 4   (19 – 5) + 2

## Ўйланг, топинг!

**7.** Қонуниятни топиб, бўш катакларни тўлдиринг.

***Намуна:***

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3 | 5 | 35 | 53 | 33 | 55 |
| 4 | 9 | | | | |
| | | 75 | | | |

**A** Қавсларни дастлаб ўз меҳнатларида қўллаган олим – италиялик математик Никколо Тарталья эди.

**8-ДАРС**

# 100 ИЧИДАГИ СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТМАСДАН ОҒЗАКИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз 100 ичидаги сонларни хонадан ўтмасдан оғзаки қўшиш ва айиришни ўрганасиз.**

**1.** а) Қўшиш ва айириш қандай бажарилишини тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.

| 30 + 7 = □ | 37 − 7 = □ | 37 − 30 = □ |
|---|---|---|
| 30 + 7 = 3 ўнл. 7 бирл. = 37 | 37 − 7 → 30, 7<br>37 − 7 = 30 + + (7 − 7) = 30<br>Нима учун 7 дан 7 ни айирдик? | 37 − 30 → 30, 7<br>37 − 30 = (30 − − 30) + 7 = 7<br>Нима учун 30 дан 30 ни айирдик? |

б) Қўшиш ва айиришни тушунтириб бажаринг.

50 + 6     90 + 3     79 − 9     97 − 90

**2.** Жадвалларни тўлдиринг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Қўшилувчи | | 30 | 9 |
| Қўшилувчи | 20 | 5 | |
| Йиғиндининг қиймати | 28 | | 99 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Камаювчи | 56 | 83 | |
| Айрилувчи | 6 | | 2 |
| Айирманинг қиймати | | 80 | 70 |

**3.** Тенгламалар тузинг. Уларни ечинг.

а) Номаълум сон билан 2 нинг йиғиндиси 32 га тенг.

б) 70 сони номаълум сондан 3 та кам.

в) Номаълум сон 56 дан 6 та кам.

**4.** Қавсларни шундай қўйингки, тенглик тўғри бўлсин.

4 – 1 + 2 = 1      6 – 3 – 2 = 1      8 – 5 + 1 = 2

**5.** Масалани ечинг.

Азиза 15 та мисол, Сафия ундан 5 та кам мисол ечди. Сафия нечта мисол ечди?

Азиза – 15 м. ←
Сафия – ? м. — 5 та кам

**6.** □ ўрнига тегишли сонларни шундай қўйингки, тўғри тенглик ҳосил бўлсин.

10 + □ = 70      30 + □ = 100
40 + □ = 100      20 + □ = 80

**7.** Ифодалар тузинг ва уларнинг қийматини топинг.
- 40 билан 8 нинг йиғиндисидан 40 ни айиринг.
- 30 га 56 билан 50 сонларининг айирмасини қўшинг.
- 65 билан 5 нинг айирмасига 10 ни қўшинг.
- 20 билан 60 сонларининг йиғиндисига 9 ни қўшинг.

## Ким чаққон?

**8.** Яширинган сонларни аниқланг ва ўқинг.




«+» ва «–» ишораларини чех математиги Ян Видман киритган.

## 9-ДАРС

# 100 ИЧИДАГИ СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТМАСДАН ОҒЗАКИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз 100 ичидаги сонларни хонадан ўтмасдан оғзаки қўшиш ва айиришни ўрганасиз.**

**1.** а) Қўшиш ва айириш қандай бажарилишини тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.

**67 + 2 = ☐**

60 7

**69 − 2 = ☐**

60 9

60 + (7 + 2) = 60 + 9 = 69
Нима учун 7 га 2 ни қўшдик?

60 + (9 − 2) = 60 + 7 = 67
Нима учун 9 дан 2 ни айирдик?

б) Қўшиш ва айиришни тушунтириб бажаринг.

73 + 6   86 + 2   54 − 3   26 − 5

**2.** Жадвалларни тўлдиринг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Қўшилувчи | 33 | 6 | |
| Қўшилувчи | 6 | | 9 |
| Йиғиндининг қиймати | | 77 | 39 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Камаювчи | 65 | | 89 |
| Айрилувчи | 3 | 5 | |
| Айирманинг қиймати | | 82 | 7 |

**3.** Ифодалар тузинг.

***Намуна:*** *a* билан 2 нинг айирмасига 7 ни қўшинг:
$(a - 2) + 7$

а) *c* ва 5 нинг йиғиндисидан 20 ни айиринг;
б) 70 дан 3 билан *k* нинг йиғиндисини айиринг.

**4.** Ифодаларнинг қийматини топинг.

а) 78 – $a$, бу ерда $a$ = 6, $a$ = 70;
б) 23 + $a$, бу ерда $a$ = 5, $a$ = 6.

**5.** Таққосланг.

27 * 72 53 дм * 35 дм 54 – 2 * 52 + 3
83 * 88 46 кг * 46 кг 47 – 40 * 46 – 40

**6.** Масалани ечинг.

Жамилада 25 та рангли қалам ва 3 та фломастер бор. Жамилада ҳаммаси бўлиб нечта бўяш воситалари бор?

**7.** Тенгликлар тузинг.

а) 27 ва 2 нинг йиғиндиси 29 га тенг;
б) 70 сони 76 дан 6 та кам.

**8.** Ифодаларнинг қийматини топинг.

49 – 7 91 + 7 38 – 6 43 + 5

**9.** Болалар бир-бирларидан «Келажакда ким бўлишни хоҳлайсиз?» деб сўрашди. Мансур рассом, Гавҳар ўқитувчи бўлишни хоҳлашларини айтди. Асад ва Мансур шифокор бўлмасликларини айтишди. Ҳар қайси боланинг келажакда қандай касб эгаси бўлмоқчи эканликларини жадвалга белгиланг.



| | Рассом | Шифокор | Ўқитувчи | Фазогир |
|---|---|---|---|---|
| Мансур | | | | |
| Гавҳар | | | | |
| Асад | | | | |
| Робия | | | | |

# 10-ДАРС. 100 ИЧИДАГИ СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТМАСДАН ОҒЗАКИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз 100 ичидаги сонларни хонадан ўтмасдан оғзаки қўшиш ва айиришни ўрганасиз.**

**1.** а) Қўшиш ва айириш қандай бажарилишини тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.

$48 + 30 = \square$

40 8

$(40 + 30) + 8 = 70 + 8 = 78$

Нима учун 40 га 30 ни қўшдик?

$78 - 30 = \square$

70 8

$(70 - 30) + 8 = 40 + 8 = 48$

Нима учун 70 дан 30 ни айирдик?

б) Қўшиш ва айиришни тушунтириб бажаринг.

$24 + 60$ $50 + 31$ $89 - 10$ $74 - 60$

**2.** Ифодалар тузинг.

а) 60 билан 2 нинг йиғиндисидан 50 ни айиринг;
б) 50 га 30 билан 7 нинг йиғиндисини қўшинг;
б) 80 дан $x$ билан 4 нинг йиғиндисини айиринг.

**3.** Тенгламаларни ечинг.

$70 + x = 96$ $c + 80 = 85$ $65 - b = 20$

**4.** Масалани ечинг.

Билимлар кунига бағишланган байрам концертида 32 нафар ўғил бола ва 20 нафар қиз бола иштирок этди. Концертда қизларга нисбатан қанча ортиқ ўғил бола иштирок этди?

**5.** Диаграммадан фойдаланиб, бўш катакка яширинган сонни қўйинг.



Синфимизда ☐ ўқувчи қўшиқ айтишни ёқтиради. Улардан 2 таси ўғил бола, қолганлари қизлар. Қанча қиз бола қўшиқ айтишни ёқтиради?

**6.** Тушириб қолдирилган ўлчов бирликларини айтинг.

- Столнинг эни – 60 …
- Гугурт қутисининг массаси – 2 …
- Кўзанинг сиғими – 3 …
- 1 соатда 60 … бор.

**7.** Нотўғри тенгликларни топинг. Хатоларни тузатиб, уларни ёзинг.

| | | |
|---|---|---|
| 23 + 6 = 27 | 96 – 4 = 92 | 42 + 6 = 48 |
| 69 – 9 = 60 | 39 – 6 = 32 | 96 – 90 = 6 |

**8.** ☐ ўрнига тегишли сонни қўйинг.

| | | |
|---|---|---|
| 90 – ☐ = 80 | ☐ + 20 = 94 | 80 + 15 = ☐ |
| 10 + ☐ = 67 | ☐ + 50 = 67 | ☐ – 50 = 17 |

## Ким чаққон?

**9.** Сафия ва Анварнинг иккита мусобақада тўплаган баллари сонини қўшиб, ким ютуққа эришганини аниқланг.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1-мусобақа | 52 – 30 + 3 | С | 42 – 20 + 5 | А |
| 2-мусобақа | 90 – 30 + 5 | С | 92 – 30 + 1 | А |



11-ДАРС

# 100 ИЧИДАГИ СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТМАСДАН ОҒЗАКИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз 100 ичидаги сонларни хонадан ўтмасдан оғзаки қўшиш ва айиришни ўрганасиз.**

**1.** а) Қўшиш ва айириш қандай бажарилишини тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.

**45 + 23 = □**

40 5 20 3

(40 + 20) + (5 + 3) =
= 60 + 8 = 68

**68 − 23 = □**

60 8 20 3

(60 − 20) + (8 − 3) =
= 40 + 5 = 45

б) Қўшиш ва айиришни тушунтириб бажаринг.

53 + 36    42 + 34    89 − 36    76 − 34

**2.** □ ўрнига тегишли сонни қўйинг.

□ + □ = □

20 5 60 3

□ − □ = □

50 8 10 6

**3.** Ифодалар тузинг.

а) 50 билан 3 нинг йиғиндисига 22 ни қўшинг;

б) 90 дан $x$ билан 9 нинг йиғиндисини айиринг;

б) $x$ билан 20 нинг айирмасини 30 га орттиринг.

**4.** Фақат тўғри тенгсизликларни ёзинг.

$53 + 42 < 96$ $\quad$ $52 > 65 - 13$

$95 - 53 > 12$ $\quad$ $15 > 78 - 65$

**5.** Амалларни бажаринг.

35 л + 42 л – 16 л $\quad$ 62 см – 4 дм + 25 см

97 кг – 83 кг + 55 кг $\quad$ 27 мин + (60 мин – 40 мин)

**6.** Масалани ечинг.

Биринчи кесманинг узунлиги 5 см, иккинчи кесманинг узунлиги ундан 2 см қисқа. Иккинчи кесманинг узунлиги қандай?
Ўша кесмаларни чизинг.

**7.** Амалларни бажаринг.

$24 + 65$ $\quad$ 53 кг + 26 кг

$77 - 21$ $\quad$ 85 см – 6 дм

$28 + 31 - 15$ $\quad$ 60 мин + 25 мин – 63 мин

## Кел, ўйнайлик!

**8.** Ойбек ва Сардор – дўстлар. Улар уч партия шахмат ўйинини ўйнашди. Ҳар қайси партияда ким муваффақиятга эришганини билмоқчи бўлсангиз, қуйидаги амалларни бажаринг.

| Ойбек | Сардор |
|---|---|
| 1-п. 75 + 12 | 1-п. 66 + 23 |
| 2-п. 35 + 22 | 2-п. 46 + 11 |
| 3-п. 96 – 10 | 3-п. 95 – 13 |



Ойбек $\quad$ Сардор

# 12-ДАРС. БИР ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТИБ ҚЎШИШ

**Сиз бир хонали сонларни хонадан ўтиб қўшишни ўрганасиз.**

**1.** Ушбу сонларни 10 гача тўлдиринг: 6, 8, 5, 3, 9.

**2.** Биринчи қўшилувчини 10 гача тўлдириб, қўшишни бажаринг.

***Намуна:*** $5 + 9 = (5 + 5) + 4 = 14.$ (9 = 5 + 4)

$6 + 9$ $9 + 8$ $8 + 8$ $7 + 7$

**3.** □ ўрнига тегишли сонни қўйинг.

$9 + 1 + \square = 12$ $\square + 2 + 3 = 13$ $9 + \square + 1 = 11$

$5 + \square + 4 = 14$ $7 + 3 + \square = 15$ $\square + 4 + 7 = 17$

**4.** Масалани ечинг.

Бобоси Барнога 7 та мақолнинг, бувиси эса 4 та мақолнинг маъносини тушунтирди. Барно бобоси ва бувисидан ҳаммаси бўлиб нечта мақол тинглади?

Бобоси – 7 м.
Бувиси – 4 м. } ? м.

Ушбу масалага тескари масала тузинг. Уни ечинг.

**5.** Йиғиндиларни таққосланг.

$72 + 6$ $67 + 10$

**6.** Соатлар қайси вақтни кўрсатяпти? 3 соатдан кейин соатлар қайси вақтни кўрсатади?



**7.** Ифодаларнинг қийматини топинг.

| | | |
|---|---|---|
| 58 – 23 | (7 + 4) + 5 | 6 + 5 |
| 46 – 21 | (9 + 6) + 3 | 8 + 7 |
| 28 + 31 | (7 + 8) + 1 | 9 + 4 |

## Ким чаққон?

**8.** Ифодаларнинг қийматини ўсиб бориш тартибида жойлаштиринг. Жавобларнинг тагига мос ҳарфларни ёзинг. Ҳосил бўлган сўзни ўқинг. Бу сўзнинг маъносини қандай тушунасиз?

| | |
|---|---|
| 9 + 6 | Л |
| 7 + 7 | И |
| 9 + 7 | А |
| 9 + 3 | О |



«Сон – математика илмининг пойдевори» деб Қозоқ халқининг математик олими Ўринбек Ахметбекўғли Жаутиқов айтган эди.

## 13-ДАРС

# БИР ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТИБ АЙИРИШ

**Сиз бир хонали сонларни хонадан ўтиб айиришни ўрганасиз.**

**1.** Сондан нечта бирлик айирилганини топинг.

13 – ☐ = 10  87 – ☐ = 80  54 – ☐ = 50

**2.** Айиришни қулай усулда бажаринг.

***Намуна:*** а) 14 – 9 = (14 – 4) – 5 = 10 – 5 = 5;
(9 → 4 и 5)

б) 14 – 9 = (10 – 9) + 4 = 5.
(14 → 10 и 4)

14 – 9  17 – 8  15 – 6  14 – 7

**3.** ☐ ўрнига тегишли сонни ёзинг.

12 – 2 – ☐ = 8  13 – ☐ – 1 = 9  15 – ☐ + 1 = 11

17 – ☐ – ☐ = 6  ☐ – 9 – 2 = 8

**4.** Масалани ечинг.

Бувимнинг туғилган кунига 18 киши меҳмонга келди. Улардан 9 нафари катта ёшли кишилар. Бувимнинг туғилган кунига қанча бола меҳмонга келган?

Масалани қандай амал билан ечдингиз? Тушунтиринг.

**5.** Айирмаларни таққосланг.

57 – 13  67 – 24

**6.** а) Таққосланг.

| | | |
|---|---|---|
| 1 соат * 60 мин | 5 дм * 6 см | 10 кун * 2 ҳафта |
| 1 ой * 21 кун | 30 см * 3 дм | 7 мин * 5 мин |

б) Тенгликлар ва тенгсизликлар тузинг ва ёзинг.

1 дм > □ см     □ см = 2 дм     □ кг < □ кг

□ л < □ л     □ соат = □ мин

**7.** □ ўрнига тегишли сонни ёзинг.

| | | |
|---|---|---|
| 11 – 5 = □ | 13 – □ = 7 | (16 – 8) + 2 = □ |
| □ – 7 = 8 | (□ – 7) + 3 = 7 | 18 – (□ + 8) = 9 |

## Ким чаққон?

**8.** а) Сонлар нуридан ифодаларнинг қийматига мос сонлар ва ҳарфларни топинг. Уларни ифодаларнинг берилиши тартибида ёзинг. Ушбу ҳарфлардан ҳосил бўлган сўзни ўқинг ва у ҳақидаги фикрингиз билан ўртоқлашинг.



| | | |
|---|---|---|
| 1) 17 – 8 | 4) 12 – 8 | 7) 10 – 9 |
| 2) 14 – 9 | 5) 11 – 9 | 8) 13 – 7 |
| 3) 11 – 8 | 6) 16 – 9 | 9) 12 – 4 |

| А | Л | А | Р | М | У | А | Т | Ш | Ҳ | И | Л | О | Н | И | С |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 0 | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |

## Ўйланг, топинг!

б) Уйнинг ҳар бир қаватида 4 тадан хонадон бор. 12 – бу учинчи қаватда жойлашган хонадоннинг тартиб рақами. Бешинчи қаватдаги хонадонларнинг тартиб рақамини аниқланг.







# 14-ДАРС БИР ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТИБ ҚЎШИШ ЖАДВАЛИ

**Сиз 20 ичида икки хонали сонларни қўшиш жадвалини тузишни ўрганасиз.**

**1.** а) «Дарчаларга» яширинган сонларни қўйинг.




Икки хонали сонларнинг қўшилувчиларини айтинг. ***Намуна:*** 11 – бу 9 билан 2 ёки 2 билан 9 сонларининг йиғиндиси.

б) Қиймати 15 га, 16 га, 17 га, 18 га тенг йиғиндиларнинг қўшилувчиларини айтинг.

**2.** Ҳар устундаги тенгликларни таққосланг. Хулоса чиқаринг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 + 5 = 11 | 9 + 3 = 12 | 7 + 6 = 13 | 8 + 6 = 14 |
| 5 + 6 = 11 | 3 + 9 = 12 | 6 + 7 = 13 | 6 + 8 = 14 |

**3.** Берилган тенгликлардан фойдаланиб, ҳар бир қатордаги йиғиндиларнинг қийматини қандай топиш мумкин?

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 5 + 5 = 10 | 6 + 5 | 7 + 5 | 8 + 5 | 9 + 5 |
| 6 + 6 = 12 | 7 + 6 | 8 + 6 | 9 + 6 | |
| 7 + 7 = 14 | 8 + 7 | 9 + 7 | | |
| 8 + 8 = 16 | 9 + 8 | | | |

**4.** 11, 12, 13 сонларини қўшилувчилардан бири 4 бўлган иккита бир хонали сонларнинг йиғиндиси кўринишида ёзинг.

**5.** Диаграмма бўйича саволларга жавоб беринг.

- 2-«А» синфда неча ўқувчи бор?
- 2-«Б» синфда неча ўқувчи бор?
- Қайси синфда қизлар сони ортиқ?
- Диаграмма асосида мустақил равишда бошқа саволлар қўйинг.

■ – ўғил болалар сони;

□ – қизлар сони.




**6.** Масалани ечинг.

Фермер хўжалигида 17 киши мева терди. Улардан 8 нафари болалар, қолганлари катта ёшли кишилар. Хўжаликда қанча катта ёшли кишилар мева терди?




**7.** Ҳар устундаги йиғиндиларни таққосланг. Ифодаларнинг қийматини топинг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 8 + 7 | 9 + 7 | 9 + 8 | 8 + 5 |
| 7 + 8 | 7 + 9 | 8 + 9 | 5 + 8 |

**8.** Ифодаларнинг қийматини ўсиб бориш тартибида жойлаштириб, мақолни ўқинг. Бу мақолнинг маъносини қандай тушунасиз?

| қўрғони | боланинг | Ота |
|---|---|---|
| 9 + 8 | 6 + 8 | 4 + 8 |



# 15-ДАРС

# ЖАДВАЛ ЁРДАМИДА БИР ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТИБ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз бир хонали сонларни хонадан ўтиб қўшиш жадвалидан фойдаланишни ўрганасиз.**

**1.** □ ўрнига тегишли сонни қўйинг.

$6 + 2 + 3 = 6 + \square$ $\qquad$ $7 + \square - 2 = 18 - 9$

$15 - 7 + 1 = \square - 9$ $\qquad$ $12 - \square - 1 = 14 - 6$

**2.** Ортиқча ифодани топинг.

| | | |
|---|---|---|
| 3 + 5 + 4 | 9 + 2 + 1 | 7 + 3 + 2 |
| 6 + 4 + 2 | 8 + 4 + 0 | 6 + 1 + 4 |

**3.** а) Берилган сонлардан фойдаланиб, қўшиш амали билан тўғри тенглик тузинг.




- Йиғиндининг қийматидан биринчи қўшилувчини айиринг. Нимани пайқадингиз?

б) Берилган сонлардан фойдаланиб, айириш амали билан тўғри тенглик тузинг.




- Айирманинг қийматига камаювчини қўшинг.

Нимани пайқадингиз? Ўзингиз ҳам бошқа саволлар қўйинг.

> **!**
> - Қўшишни айириш билан текшириш мумкин.
> - Айиришни айириш ва қўшиш билан текшириш мумкин.

**4.** Ифодаларнинг қийматини топинг.

16 – 8 $\qquad$ 7 + 8 $\qquad$ 8 + 3 $\qquad$ 12 – 7

Ифодаларнинг энг катта иккита қийматининг йиғиндисини ва айирмасини ёзинг. Уларнинг қийматини топинг.

**5.** Масалани ечинг.

Набиралари бувисига 12 та ип ғалтагини тайёрлашга ёрдамлашди. Бувиси нимча тўқиш учун 8 та ғалтак ипдан фойдаланди. Қанча ғалтак ип қолди?



Бор эди – 12 та ғ.ип
Фойдаланилди – 8 та ғ. ип.
Қолди – ? ғ.ип

**6.** Биринчи устундаги тенгликлардан фойдаланиб, бошқа устунлардаги ифодаларнинг қийматини топинг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 9 + 4 = 13 ⟶ | 4 + 9 | 13 – 4 | 13 – 9 |
| 6 + 5 = 11 ⟶ | 5 + 6 | 11 – 6 | 11 – 5 |

**7.** а) Ифодаларнинг қийматини камайиб бориш тартибида жойлаштириб, мақолни ўқинг. Бу мақолнинг маъносини сиз қандай тушунасиз?

| Оила | муқаддас | ягона | Ватан |
|---|---|---|---|
| 16 – 8 | 12 – 8 | 18 – 9 | 6 + 6 |

б) Ребусни ечинг.

 +  = 40

 +  = 90

 –  = ?

**16-ДАРС**

# 100 ИЧИДАГИ СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТИБ ОҒЗАКИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз 100 ичидаги сонларни хонадан ўтиб оғзаки қўшиш ва айириш усулларини билиб оласиз.**

**1.** а) Қўшиш ва айириш қандай бажарилишини тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.

$56 + 4 = \square$ (56: 50 6)

$60 - 4 = \square$ (60: 50 10)

$50 + (6 + 4) = 50 + 10 = 60$ | $50 + (10 - 4) = 50 + 6 = 56$

б) Ҳисоблаш усулларини тушунтириб ечинг.

$53 + 7$   $62 + 8$   $70 - 7$   $80 - 6$

**2.** а) Қўшиш ва айириш қандай бажарилишини тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.

$26 + 34 = \square$ (26: 20 6; 34: 30 4)

$60 - 26 = \square$ (60: 50 10; 26: 20 6)

$(20 + 30) + (6 + 4) =$
$= 50 + 10 = 60$

$(50 - 20) + (10 - 6) =$
$= 30 + 4 = 34$

б) Ҳисоблаш усулларини тушунтириб ечинг.

$72 + 18$   $57 + 33$   $80 - 35$   $50 - 24$

**3.** Ифодаларнинг қийматини топинг.

$17 + a$, бу ерда $a = 23$;   $b - 5$, бу ерда $b = 90$.

**4.** Жадваллар бўйича тенгламалар тузинг. Уларни ечинг.

| | | |
|---|---|---|
| Қўшилувчи | 62 | $x$ |
| Қўшилувчи | $a$ | 48 |
| Йиғиндининг қиймати | 90 | 70 |

| | | |
|---|---|---|
| Камаювчи | $c$ | 57 |
| Айирилувчи | 13 | $x$ |
| Айирманинг қиймати | 47 | 20 |

***Намуна:*** $62 + a = 90$.

**5.** Масалани ечинг.

Биз оиламиз билан театрга бордик. Театрда 11 нафар хонанда ва 19 нафар раққоса ўз санъатларини намойиш қилишди. Театрда ҳаммаси бўлиб қанча киши иштирок этган?




**6.** Хатоларни топинг ва ёзинг.

$80 - 7 = 73$ $\quad$ $90 - 42 = 47$ $\quad$ $38 + 52 = 90$

$65 - 5 = 50$ $\quad$ $49 + 31 = 90$ $\quad$ $73 + 6 = 80$

## Ўйланг, топинг!

**7.** Мен, дадам ва иккита укам икки ғилдиракли ва уч ғилдиракли велосипед учдик. Агар велосипедларнинг барча ғилдираклари сони 9 та бўлса, у ҳолда нечта икки ғилдиракли велосипед бор? Уч ғилдиракли велосипедлар нечта?



# 17-ДАРС

# 100 ИЧИДА СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТИБ ОҒЗАКИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз 100 ичида сонларни хонадан ўтиб қўшиш ва айиришни ўрганасиз.**

**1.** Қўшиш ва айириш қандай бажарилишини тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.

**26 + 7 = □**

4 3

$(26 + 4) + 3 = 30 + 3 = 33$

**33 − 7 = □**

20 13

$20 + (13 - 7) = 20 + 6 = 26$

**2.** Қўшиш ва айириш қандай бажарилишини тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.

**27 + 36 = □**

20 7 30 6

$(20 + 30) + (7 + 6) =$
$= 50 + 13 = 63$

**63 − 27 = □**

50 13 20 7

$(50 - 20) + (13 - 7) =$
$= 30 + 6 = 36$

**3.** Ифодаларнинг қийматини ўзингизга қулай усулда топинг.

68 + 4    92 − 7    72 − 57    38 + 54

**4.** Ёзувни тўлдиринг ва жавобини топинг.

54 + 9 = 50 + (… + …) = … + … = …
56 − 9 = 40 + (… − …) = … + … = …
48 + 26 = (… + …) + (… + …) = … + … = …
72 − 24 = (60 − …) + (… − …) = … + … = …

**5.** Масалани ечинг.

Бобом ва бувимнинг 15 нафар набираси бор. Улардан 7 нафари шаҳарда, қолганлари қишлоқда яшайди. Бобом ва бувимнинг қанча набираси бор?






**6.** Тегишли амаллар ишораси ва номаълум сонларни топинг.

77 ◯ (38 ◯ □) = 32        (86 ◯ 18) ◯ □ = 68

**7.** Ҳисоблаш усулларини тушунтириб ечинг.

86 + 8        56 + 27        82 – 6        94 – 65

## Ўйланг, топинг!

**8.** а) Акам билан ўйинчоқ балиқлар овладик. Акам 3 тадан балиқ овлаганда, мен 2 тадан балиқ овладим. Агар ҳаммаси бўлиб 15 та балиқ бўлса, у ҳолда ҳар биримиз нечта балиқ овладик?



б) Ҳовлида 16 нафар бола ўйнамоқда. Бешта боладан бошқалари уйларига кетишди. Қанча бола уйларига кетган?

# 18-ДАРС 100 ИЧИДА СОНЛАРНИ ХОНАДАН ЎТИБ ОҒЗАКИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз 100 ичида сонларни хонадан ўтиб қўшиш ва айиришни ўрганасиз.**

**1.** а) Қўшиш ва айириш қандай бажарилишини тушунтиринг. Хулоса чиқаринг.

**68 + 32 = □**

60 8 30 2

(60 + 30) + (8 + 2) = 90 + + 10 = 100

**100 – 32 = □**

30 2

(100 – 30) – 2 = 70 – 2 = 68

б) Қўшиш ва айиришни тушунтириб ечинг.

64 + 36 100 – 82 57 + 43 100 – 44

**2.** Ифодаларни уч гуруҳга бўлиб ёзинг, қийматларини топинг.

| | | |
|---|---|---|
| 100 – 32 | 80 – 12 | 29 + 39 |
| 60 – 13 | 100 – 53 | 19 + 28 |

**3.** 13 дан 16 гача бўлган икки хонали сонларни ёзинг. Улардан ҳар бирини 9 га камайтиринг.

**4.** Масалаларни ечинг.

а) Бобом 76 ёшда, бувим эса ундан 4 ёш кичик. Бувим неча ёшда?

б) Бувим 72 ёшда, бувам эса ундан 4 ёш катта. Бувим неча ёшда?



Ҳар бир масалани қандай амал билан ечдингиз? Тушунтиринг.

**5.** Мисолларни ечинг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 43 + 57 | 62 + 38 | 100 – 47 | 100 – 64 |
| 87 + 13 | 39 + 61 | 100 – 95 | 100 – 28 |

## Ўйланг, топинг!

**6.** а) Бувим душанба, чоршанба ва шанба кунлари қозоқ халқининг миллий ичимликлари – шубат, қимиз, айрон ҳақида айтиб берди. Шубат ва айрон ҳақида душанба куни айтмади. Қимиз ва айрон ҳақида чоршанба куни айтмади. Бувим қайси куни қандай ичимлик ҳақида ҳикоя қилган?



б) Сариқ рангли тасмадаги сонлар орқали яширинган сўзни ўқинг. Бунинг учун:

- 7 сонига жадвалнинг 1-қаторидаги сонларни биттадан қўшинг.
- Ҳар бир йиғиндининг қийматига мос ҳарфни топинг. Масалан, 7 + 10 = 17. 17 сонига мос ҳарф – М ҳарфи.

17 20 18 19 21 19 17

| + | 10 | 11 | 12 | 13 |
|---|---|---|---|---|
| 7 | М | Ҳ | Р | Е |

«Оиладаги меҳр» сўзининг маъносини қандай тушунасиз?

# 19-ДАРС ХОНАДАН ЎТИБ ОҒЗАКИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ УСУЛЛАРИ

**Сиз ҳисоблашларнинг турли усулларини қўллашни ўрганасиз.**

**1.** Сонларни қўшиш ва айириш усулларини тушунтиринг. Қайси ҳисоблаш усули қулай?

| | |
|---|---|
| $35 + 8 = \square$ | $35 + 8 = \square$ |
| $(35 + 5) + 3 = 40 + 3 = 43$ | $30 + (5 + 8) = 30 + 13 = 43$ |
| $43 - 8 = \square$ | $43 - 8 = \square$ |
| $(43 - 3) - 5 = 40 - 5 = 35$ | $30 + (13 - 8) = 30 + 5 = 35$ |

**2.** Сонларни қўшиш ва айириш усулларини тушунтиринг. Қайси ҳисоблаш усули қулай?

| | |
|---|---|
| $39 + 54 = \square$ | $39 + 54 = \square$ |
| 39 → 30 9; 54 → 50 4 | 54 → 50 4 |
| $(30 + 50) + (9 + 4) =$<br>$= 80 + 13 = 93$ | $(39 + 50) + 4 = 89 + 4 = 93$ |
| $93 - 39 = \square$ | $93 - 39 = \square$ |
| 93 → 90 3; 39 → 30 9 | 39 → 30 9 |
| $(80 - 30) + (13 - 9) =$<br>$= 50 + 4 = 54$ | $(93 - 30) - 9 = 63 - 9 = 54$ |

**3.** Ифодаларнинг қийматини турли усулда ҳисобланг.

| | | |
|---|---|---|
| 69 + 25 | 92 − 37 | 56 + 8 |
| 37 − 9 | 58 − 29 | 72 + 9 |

**4.** Ҳисобламасдан таққосланг.

34 + 47 * 47 + 37

53 – 15 * 53 – 14

39 – 27 * 39 – 25

39 + 27 * 39 + 25

**5.** Масалаларни ечинг.

а) Дадам 35 ёшда, онам 30 ёшда. Дадам онамдан неча ёш катта?

б) Беш йил аввал Мадина 3 ёшда эди. 7 йилдан кейин у неча ёшда бўлади?

Ҳар бир масалани қандай амал билан ечдингиз? Тушунтиринг.

**6.** Бир-бири билан ўзаро боғланган ифодалар жуфтини топинг.

27 + 4 — 31 – 4

48 + 6

84 – 17

78 + 13

65 – 29

54 – 6

67 + 17

36 + 29

91 – 13

**7.** Мисолларни ечинг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 39 + 4 | 74 – 49 | 34 – 9 | 35 + 47 |
| 56 + 7 | 25 – 17 | 83 – 6 | 72 + 19 |

## Кел, ўйнайлик!

**8.** Фигураларни қуйидаги тартибда жойлаштиринг: квадратлар, учбурчаклар, доиралар ва овал. Ҳар иккинчи ҳарф унли товуш бўлиши керак. Қандай сўз ҳосил бўлди?




Таққослаш белгиларини («>», «<») инглиз математиги Томас Гарриот ўйлаб топган.

**20-ДАРС**

# ЎЗИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

## СОНЛАР УСТИДА АМАЛЛАР БАЖАРИШ. МАСАЛАЛАР

**Сиз:**

✓ ифодалар тузишни;

✓ бир хонали ва икки хонали сонларни ўнликдан ўтиб қўшиш ва айиришни;

✓ сонли ва ҳарфий ифодаларда амалларнинг бажарилиш тартибини аниқлашни;

✓ содда масалаларни ечишни **ўргандингиз.**

**1.** Қийматлари 12, 14, 16, 18 сонларига тенг бўлган иккита бир хил қўшилувчидан иборат ифодалар ёзинг. Қўшилувчилар ва йиғиндиларнинг қийматларидан фойдаланиб, айирмалар ёзинг.

**2.** 14, 15, 16, 17 сонларини қўшилувчиларидан бири 9 га тенг бўлган иккита бир хонали қўшилувчиларнинг йиғиндиси кўринишида ёзинг. Қўшилувчиларнинг ва йиғиндиларнинг қийматидан фойдаланиб, биттадан айирма ёзинг.

**3.** Сонли ва ҳарфий ифодаларни топинг. Уларни ёзинг.

| | | |
|---|---|---|
| $14 - x = 8$ | $23 - a$ | $5 + 3 > 6$ |
| $45 + 50$ | $67 - 9$ | $b + 5$ |

**4.** Йиғиндиларнинг қийматини топинг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 7 + 14 | 23 + 8 | 74 + 9 | 28 + 36 |
| 9 + 40 | 92 + 5 | 50 + 27 | 82 + 14 |

Қўшишни айириш билан текширинг.

**5.** Айирмаларнинг қийматини топинг.

44 – 8 76 – 7 18 – 9 80 – 6
70 – 8 70 – 56 73 – 6 100 – 43

Айиришни қўшиш билан текширинг.

**6.** Жадвални тўлдиринг.

| + | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 9 | | | | | | | | |
| 8 | | | | | | | | |
| 7 | | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | | |

**7.** Ифодаларнинг қийматини топинг.

а) $c + 9$, бу ерда $c = 31$;
б) $b - 42$, бу ерда $b = 80$.

**8.** Ифодаларнинг қийматини топинг.

78 – 18 + 36 91– (35 + 18)
17 + 25 – 23 (69 + 13) – 47

**9.** Масалани ечинг.

Асалнинг 26 та қаламлари бор, дафтарлари эса ундан 4 та ортиқ. Асалнинг нечта дафтари бор?

**10.** Масалани ечинг.

Мадинада 70 тг бор эди. У 56 тенгега ширин кулча сотиб олди. Мадинада неча тенге қолди?

**21-ДАРС**

# ҚАВССИЗ ИФОДАЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚИЙМАТЛАРИНИ ҚУЛАЙ УСУЛДА ҲИСОБЛАШ

**Сиз қўшишнинг ўрин алмаштириш хоссасидан фойдаланиб бир неча амалли ифодаларнинг қийматини ҳисоблашни ўрганасиз.**

қўшишнинг ўрин алмаштириш хоссаси

**1.** Тадқиқ қилиш. Ифодаларни ўқинг.

$a + 56$   $100 - 21$   $b - 39$   $15 + 26$   $47 - k$

Ушбу ифодаларни қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?

**2.** Ҳар устундаги йиғиндиларни таққосланг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| $7 + 9$ | $40 + 5$ | $83 + 7$ | $56 + 38$ |
| $9 + 7$ | $5 + 40$ | $7 + 83$ | $38 + 56$ |

- Йиғиндиларнинг қийматини топинг.
- Ҳар бир устундаги йиғиндиларнинг қийматларини таққосланг. Нимани пайқадингиз? Хулоса чиқаринг.

**!** Қўшилувчиларнинг ўрни алмашгани билан йиғиндининг қиймати ўзгармайди.

**3.** Қўшишнинг ўрин алмаштириш хоссасини қўллаб, ҳисобланг.

$28 + 40 + 2$   $34 + 50 + 6$
$70 + 15 + 10$   $20 + 64 + 10$

- Қавссиз ифодалардаги амаллар қандай тартибда бажарилади?
- Мустақил бошқа саволлар қўйинг.

**4.** Тенгламаларни ечинг.

$28 - x = 13$ $\qquad$ $18 + x = 45$ $\qquad$ $x - 35 = 27$

**5.** Асқар 100 тенгега чизғич ва 35 тенгега қалам сотиб олди. Чизғич қаламдан қанча қиммат? Ушбу масалага тескари масала тузинг ва уни ечинг.

**6.** Расмдаги диаграммага қараб, қанча ўқувчи қандай ўйин турини ёқтиришини айтиб беринг.

Шахмат ——
Рубик кубиги ——
Шашка ——
Топишмоқ топиш ——




- Диаграмма бўйича ўзингизга бошқа саволлар қўйинг.

**7.** Қўшишнинг ўрин алмаштириш хоссасидан фойдаланиб ҳисобланг.

$40 + 38 + 20$ $\qquad$ $63 + 30 + 7$ $\qquad$ $17 + 26 + 54$
$35 + 20 + 15$ $\qquad$ $40 + 25 + 20$ $\qquad$ $48 + 15 + 32$

## Ўйланг, топинг!

**8.** Ребусларни ечинг.



# 22-ДАРС
# ИФОДАЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚУЛАЙ УСУЛДА ҲИСОБЛАШ

**Сиз бир неча амалли ифодаларнинг қийматини қўшиш хоссаларидан фойдаланиб топишни ўрганасиз.**

қўшишнинг гуруҳлаш хоссаси

**1.** Қавслардан фойдаланиб, ифодалар тузинг ва уларнинг қийматини топинг.

а) 42 га 27 билан 13 сонларининг йиғиндисини қўшинг;

б) 23 билан 47 сонларининг йиғиндисига 20 ни қўшинг;

в) 12 га 78 билан 68 сонларининг айирмасини қўшинг.

**2.** Ифодаларнинг қийматини топинг ва таққосланг.

а) $28 + 25 + 32$ б) $(25 + 28) + 32$ в) $25 + (28 + 32)$

- Сизга ҳисоблашнинг қайси усули қулай бўлди? Хулоса чиқаринг.

**!** Иккита соннинг йиғиндисига учинчи сонни қўшиш учун биринчи сонга иккинчи ва учинчи сонларнинг йиғиндисини қўшиш мумкин.

**3.** Қулай усулда ҳисобланг.

$14 + 45 + 5 + 6$ $12 + 20 + 40 + 8$

$8 + 3 + 22 + 57$ $43 + 27 + 8 + 12$

**4.** Ифодаларни таққосланг ва қийматларини топинг.

$79 - 30 + 9$ * $79 - 30 - 9$

$(34 + 27) + 19$ * $36 + (27 + 19)$

$52 - 16 + 9$ * $53 - 16 - 9$

**5.** а) Тенгламаларни таққосланг ва ечинг.

$x + 7 = 27$ $\qquad$ $27 - x = 7$

б) Ифодаларнинг қийматини топинг.

26 дм – 23 дм $\quad$ 15 кг + 6 кг $\quad$ 48 мин – 20 мин
17 л + 8 л $\quad$ 13 см – 7 см $\quad$ 3 сутка + 2 сутка

**6.** Чизмалар бўйича амалларни бажаринг.







**7.** Дафтарга ёпиқ ва очиқ эгри чизиқлар чизинг.

**8.** Қўшишнинг ўрин алмаштириш ва гуруҳлаш хоссасидан фойдаланиб ҳисобланг.

26 + 32 + 4 + 8 $\qquad$ 39 + 12 + 11 + 18
33 + (17 + 24) $\qquad$ (25 + 34) + 16

## Ким чаққон?

**9.** Ребусни ечсангиз, қозоқ халқининг миллий ўйинларидан бири қандай аталишини билиб оласиз.

9 қум ,,,  , 

Тўғизқумалақ – қозоқ халқининг миллий ўйинларидан бири. У – тафаккурни ривожлантирувчи, мия фаолиятини такомиллаштирувчи интеллектуал ўйин.

## 23-ДАРС ЙИҒИНДИНИНГ ҚИЙМАТИНИ ВА ҚЎШИЛУВЧИЛАРНИ ТОПИШГА ДОИР МАСАЛАЛАР

**Сиз бир амалли масалаларни моделлашни ва ечишни ўрганасиз.**

**1.** Масалани ечинг.

Болалар ўқитувчилар кунига бағишлаб концерт ташкил қилишди. Концертда 24 нафар қиз бола ва 7 нафар ўғил бола иштирок этди. Концертда ҳаммаси бўлиб қанча бола иштирок этган?



Қизлар – 24
Ўғил болалар – 17 } ? б.

**2.** Жадвалдан фойдаланиб, масалалар тузинг. Ечимини ҳарфий ифода шаклида ёзинг.

| Ўғил болалар сони | Қиз болалар сони | Жами болалар сони |
|---|---|---|
| ? | 24 | $b$ |
| 17 | $a$ | ? |
| $x$ | ? | 41 |

**3.** Масалани тенглама тузиб ечиш намунасига қаранг. Концертда 41 нафар бола иштирок этди. Улардан 17 нафари ўғил болалар, қолганлари қизлар. Концертда қанча қиз бола иштирок этган?

***Намуна:***

*Ечими*:

Концертда иштирок этган қизлар сони номаълум бўлгани учун, уни $x$ билан белгилаймиз.

$x + 17 = 41$
$x = 41 - 17$
$x = 24$

$24 + 17 = 41$
$41 = 41$

*Жавоби*: концертда 24 нафар қиз бола иштирок этган.

**4.** Чизмадан фойдаланиб, масала тузинг. Уни тенглама тузиб ечинг.




**Номаълум қўшилувчини топиш учун йиғиндининг қийматидан маълум қўшилувчини айириш керак.**

**5.** Чизмалар бўйича амалларни бажаринг.




**6.** Дафтарга ёпиқ ва очиқ синиқ чизиқлар чизинг.

**7.** Қисқа ёзувдан фойдаланиб, масала тузинг. Уни тенглама тузиб ечинг.

Ўғил болалар – 42 ⟩ 61 б.
Қизлар – ?

## Ўйланг, топинг!

**8.** Жавлонда бир нечта мақоллар китоби бор эди. У Сафияга 2 та китобини совға қилганидан кейин ўзида 3 та китоб қолди. Бунда Сафиянинг китоблари сони Жавлоннинг китоблари сонидан 1 та ортди. Жавлонда дастлаб нечта мақоллар китоби бор эди? Сафияда-чи?



# 24-ДАРС ҚОЛДИҚНИ ҲАМДА КАМАЮВЧИ ВА АЙИРИЛУВЧИНИ ТОПИШГА ДОИР МАСАЛАЛАР

**Сиз бир амалли масалаларни моделлашни ва ечишни ўрганасиз.**

**1.** Жадвал бўйича ифодалар тузинг. Уларнинг қийматини топинг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Камаювчи | 82 | 96 | |
| Айирилувчи | 7 | | 27 |
| Айирманинг қиймати | | 92 | 27 |

**2.** Масалани ечинг.

Юсуфда 25 та китоб бор эди. Унинг 17 тасини дўстларига совға қилди. Юсуфда нечта китоб қолди?



Бор эди – 25 к.
Совға қилди – 17 к.
Қолди – ? к.

**3.** Жадвалдан фойдаланиб, масалалар тузинг. Ечимини ҳарфий ифода кўринишида ёзинг.

| Бор эди | Совға қилди | Қолди |
|---|---|---|
| $b$ | 17 | ? |
| ? | $a$ | 8 |
| 25 | ? | $x$ |

**4.** Масалани тенглама тузиб ечинг.

Юсуфда 25 та китоб бор эди. У бир нечта китобни дўстларига совға қилди, ўзида эса 8 та китоб қолди. Юсуф дўстларига нечта китоб совға қилган?

- Камаювчини топиш учун айирманинг қийматига айрилувчини қўшиш керак.
- Айрилувчини топиш учун камаювчидан айирманинг қийматини айириш керак.

**5.** Тенгламаларни ечинг: $x - 13 = 38$; $52 - x = 27$.

**6.** Масалаларни тенглама тузиб ечинг.

Дўконга 53 та китоб олиб келинди. Улардан бир нечтаси жавонга қўйилди, қутида эса 45 та китоб қолди. Жавонга нечта китоб қўйилган?

Дўконга бир нечта китоб олиб келинди. Уларнинг 8 таси жавонга қўйилди, қутида 45 та китоб қолди. Дўконга нечта китоб олиб келинган?

**7.** Қисқа ёзувдан фойдаланиб масала тузинг. Масалани тенглама тузиб ечинг.

Бор эди – ? бола
Кетди – 28 бола
Қолди – 14 бола

## Кел, ўйнайлик!

**8.** Йўналтирилган чизиқлар билан ҳаракатланиб, мақолни ўқинг. Унинг маъносини қандай тушунасиз?



**25-**
**ДАРС**

# СОННИ БИР НЕЧА БИРЛИККА ОРТТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШГА ДОИР МАСАЛАЛАР

**Сиз бир амалли масалаларни моделлашни ва ечишни ўрганасиз.**

**1.** Топшириқни бажаринг.

| 3 та орттиринг | | | |
|---|---|---|---|
| 7 | 15 | 26 | 45 |

| 8 та камайтиринг | | | |
|---|---|---|---|
| 78 | 8 | 24 | 36 |

**2.** Масалаларни ечинг.

Менда 12 та хатчўп, дўстимда мендан 2 та кам хатчўп бор. Дўстимда нечта хатчўп бор?



Шунча, бироқ 2 та кам.

Дўстимда 10 та хатчўп, менда ундан 2 та ортиқ хатчўп бор. Менда нечта хатчўп бор?



Шунча, бироқ 2 та ортиқ.

Масалаларни таққосланг. Уларнинг ўхшашлиги қандай? Фарқи-чи?

**3.** Масаланинг ечимини ҳарфий ифода кўринишида ёзинг.

Асад 37 та чизиқли дафтар ва ундан a та ортиқ катакли дафтар сотиб олди. Асад нечта катакли дафтар сотиб олган?

Ушбу масалага битта тескари масала тузинг.

**4.** Масалани ечинг.

Асадда 29 та катакли ва ундан 16 та ортиқ чизиқли дафтар бор. Асаднинг нечта чизиқли дафтари бор?




**5.** Масалани ечинг.

Асаднинг 45 та чизиқли ва ундан 16 та кам катакли дафтари бор. Асадда нечта катакли дафтар бор?

Чизиқли д. – 45 ←
Катакли д. – ? ⎯⎯ 16 та кам

**6.** Масаланинг чизмасини чизинг ва уни ечинг.

Ойнисанинг 34 та рангли қалами ва ундан 18 та кам ручкаси бор. Ойнисанинг нечта ручкалари бор?

## Кел, ўйнайлик!

**7.** Ифодаларнинг қийматини топиб, ҳар қайси боланинг ўқув қуролини аниқланг.



# 26-ДАРС. АЙИРМАЛИ ТАҚҚОСЛАШГА ДОИР МАСАЛАЛАР

**Сиз бир амалли масалаларни моделлашни ва ечишни ўрганасиз.**

**1.** Масалани ечинг.

Акам 11 ёшда. Синглим эса 6 ёшда. Акам синглимдан неча ёш катта? Синглим акамдан неча ёш кичик?



Акам – 11 ёш ⟲ ? ёш катта
Синглим – 6 ёш (кичик)

Масаланинг ҳар хил иккита саволига жавоб бериш учун нима сабабдан фақат айириш амалидан фойдаландингиз? Тушунтиринг.

**!** Бир соннинг иккинчи сондан неча бирлик ортиқ ёки кам эканини билиш учун катта сондан кичик сонни айириш керак.

**2.** Жадвалдан фойдаланиб, масалалар тузинг. Ечимини ҳарфий ифода кўринишида ёзинг.

| акам | катта (кичик) | синглим |
|---|---|---|
| 22 ёшда | ? ёш | $a$ ёшда |
| $b$ ёшда | ? ёш | 5 ёшда |
| 13 ёшда | ? ёш | $c$ ёшда |

**3.** Масалани ечинг.

Опам 16 ёшда, укам эса ундан 9 ёш кичик. Укам неча ёшда?



**4.** Масалани ечинг.

Акам 29 ёшда, опам эса ундан 5 ёш катта. Опам неча ёшда?

Акам – 29 ёш ←
Опам – ? ёш — 5 ёш катта

**5.** Тенгламаларни ечинг.

$x - 13 = 38$  $52 - x = 28$  $25 + x = 63$

**6.** Масалаларни ечинг.

а) Қишлоқда 7 нафар дўстим бор, шаҳардаги дўстларим эса улардан 8 та ортиқ. Шаҳарда нечта дўстим бор?



б) Шаҳарда 25 та, қишлоқда эса 17 та дўстларим бор. Қишлоқдаги дўстларим шаҳардаги дўстларимдан қанча кам?

**7.** Ифодаларнинг қийматини қулай усулда ҳисобланг.

$22 + 17 + 38 + 23$  $28 + 40 + 10 + 12$

**8.** Чизма бўйича масала тузинг. Уни ечинг.




**9.** 1 дан 100 гача 7 рақами неча марта учрайди?

27-ДАРС

# ЎЗИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

## СОНЛАР УСТИДА АМАЛЛАР БАЖАРИШ. МАСАЛАЛАР

**Сиз:**

✓ ифодалардаги амалларнинг бажарилиш тартибини аниқлашни;
✓ ифодалар тузишни, уларни таққослашни;
✓ бир неча амалли қавссиз ифодаларнинг қийматини қулай усулда ҳисоблашни;
✓ ҳисоблашларда қўшишнинг ўрин алмаштириш ва гуруҳлаш хоссаларини қўллашни;
✓ содда масалалар ечишни **ўргандингиз.**

**1.** Қавсларни шундай қўйингки, тенглик тўғри бўлсин.

8 – 7 + 25 = 26 70 – 12 + 26 = 32
40 – 2 + 7 = 31 13 + 37 – 24 = 26

**2.** Йиғиндилар тузинг ва ёзинг:
а) қиймати 100 га тенг ҳар қандай учта ўнликнинг йиғиндиси;
б) қиймати 100 га тенг ҳар қандай икки хонали учта соннинг йиғиндисини;
в) қиймати 100 га тенг учта қўшилувчининг (бир хонали, икки хонали сонларнинг) ва битта ўнлик соннинг йиғиндисини.

**3.** Ҳисобламасдан таққосланг.
а) (42 + 19) + 21 * 42 + (19 + 21)
б) 65 + 32 – 17 * 65 + 31 – 18
б) 89 – 27 – 36 * 90 – 27 – 36
в) 53 + 18 + 24 * 18 + 24 + 53

**4.** Ифодаларнинг қийматини қулай усулда ҳисобланг.

$16 + 30 + 24 + 20$ $\qquad$ $18 + (32 + 14)$

**5.** Мисолларни ечинг.

$69 + 25 - 47$ $\qquad$ $100 - (94 - 8)$

$51 - 27 + 36$ $\qquad$ $100 - 63 + 28$

**6.** Масалани ечинг.

Автобусда 20 киши бор эди. Бекатда яна 20 киши минди. Автобусда энди қанча киши бўлди?

Ушбу масалага тескари масала тузинг ва уни ечинг.

**7.** Масаланинг чизмасини чизинг ва уни ечинг.

Автобусда 32 нафар бола бор эди. Биринчи бекатда 7 та бола тушиб қолди. Автобусда қанча бола қолди?

**8.** Масалани ечинг.

Мен 65 тенгега ручка ва 35 тенгега ўчиргич сотиб олдим. Ручка ўчиргичдан неча тенге қиммат? Ўчиргич ручкадан неча тенге арзон?

**9.** Масалага жадвал тузинг ва уни ечинг.

Дўконга 54 кг картошка ва 39 кг сабзи олиб келинди. Дўконга жами неча килограмм сабзавот олиб келинган?

Ушбу масалага тескари масалалар тузинг ва уларни ечинг.

# 28-ДАРС. УЗУНЛИК. УЗУНЛИК ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

**Сиз узунлик ўлчов бирликларини шакл алмаштиришни, узунликнинг қийматларини таққослашни ўрганасиз.**

метр

**1.** а) Расмга қаранг. Саволларга жавоб беринг.

10 см = 1 дм ёки 1 дм = 10 см



1 см

- Танлаб олинган *ўлчагич* (1 см) тасмага неча марта қўйилди?
- Тасманинг узунлиги неча сантиметр?
- Тасманинг узунлиги неча дециметр?

б) Агар танлаб олинган ўлчагич (1 дм) тасма устига 10 марта қўйилса, унинг узунлиги қандай бўлади? Бу неча дециметр? Неча сантиметр?





10 дм = 1 м

1 дм

10 дециметр узунликнинг янги ўлчов бирлиги – **1 метрни** (м) ташкил қилади, яъни 1 метрда 10 дециметр бор.




10 дм = 1 м
100 см = 1 м

**2.** а) Кўрсатилган ўлчов бирликларига алмаштиринг.

1 м = ☐ см　　　　6 дм 2 см = ☐ см

2 м 6 дм = ☐ дм　　　　39 см = ☐ дм ☐ см

б) Таққосланг:

4 дм * 40 см　　　　68 см * 6 дм 9 см

1 м * 100 см　　　　4 дм 8 см * 48 см

**3.** Масалани ечинг.



Стадиондаги югуриш йўлагининг узунлиги 91 м, спортзалдаги югуриш йўлаги 62 м. Спортзалга қараганда стадиондаги югуриш йўлаги қанча узун?

**4.** 6 дм ҳосил бўлиши учун 1 метрни неча сантиметр камайтириш керак?

**5.** а) Кўрсатилган ўлчов бирликларига алмаштиринг.

7 дм 8 см = ☐ см　　　　70 см = ☐ дм ☐ см

б) Таққосланг.

7 дм 9 см * 9 дм 7 см　　　　5 м * 50 дм

**6.** Қайси синиқ чизиқнинг узунлиги қизил рангли кесманинг узунлигига тенг?



Бугунги кунда биз қўлланаётган чизғич биринчи бўлиб Францияда пайдо бўлган. Уни фақат ёғочдан ясашган.

# 29-ДАРС МАССА. МАССА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

**Сиз массанинг ўлчов бирликларини шакл алмаштиришни, массанинг қийматларини таққослашни ўрганасиз.**

центнер

**1.** Расмларга қаранг. Саволларга жавоб беринг.




а) б) в)

- Катта ва кичик тарвузларнинг массасини аниқланг.
- Қайси тарвузнинг массаси иккинчисидан ортиқ? Неча килограмм ортиқ?
- Расмлар бўйича ўзингиз бошқа саволлар қўйинг.

! Оғир нарсаларнинг массаси аниқланганда массанинг йирикроқ ўлчов бирлиги – **центнердан** фойдаланилади.

1 ц = 100 кг

**2.** Расмларга қаранг. Саволларга жавоб беринг.




- 1 ц қанд сотиб олиш учун нечта 10 килограммли қанд солинган қоп керак бўлади?
- 25 килограммлик-чи? 50 килограммлик-чи?

**3.** Таққосланг.

1 ц * 10 кг      8 ц * 7 ц      100 кг * 1 ц      65 кг * 1 ц

**4.**

| 1 ц | 3 ц | 5 ц |
|---|---|---|

Неча центнер кам?

| 6 ц | 8 ц | 10 ц |
|---|---|---|

| 50 ц | 60 ц | 70 ц |
|---|---|---|

Неча центнер ортиқ?

| 10 ц | 20 ц | 40 ц |
|---|---|---|

**5.** Мослаштиринг (оғзаки).

| **Ўлчов бирликлари** | **Катталиклар** |
|---|---|
| 1) центнер (ц) | а) сиғим |
| 2) литр (л) | б) узунлик |
| 3) сантиметр (см) | в) масса |

*Жавоби*: 1)______, 2)______, 3)______.

**6.** Масалани ечинг.

Онам иккаламиз боғдан бир неча килограмм гилос тердик. 13 кг гилосдан онам шарбат тайёрлади. 18 кг гилос қолди. Онам иккаламиз неча килограмм гилос тердик?



**7.** а) Биринчи халтада 1 кг сабзи ва 2 кг бодринг, иккинчи халтада 4 кг картошка бор. Қайси халта оғирроқ?

б) Таққосланг.

1 ц – 32 кг * 1 ц – 23 кг   62 кг + 38 кг * 52 кг + 38 кг

**8.** Устахонада 8 та бир хил ўйинчоқ ясалди. Улардан еттитаси темирдан, саккизинчиси энг енгил ёғочдан ясалди.

Қадоқ тошлардан фойдаланмай, уч марта ўлчаш орқали енгил ўйинчоқни қандай топиш мумкин?



# 30-ДАРС ҲАЖМ (СИҒИМ). ҲАЖМ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

**Сиз нарсаларнинг ҳажмини таққослашни давом эттирасиз.**

**1.** Идишларни ҳажмига кўра таққосланг. Нимани пайқадингиз?




**2.** Расмдаги идишларни кўриб чиқинг. Саволларга жавоб беринг.




- Бидондан ҳар қайси идишга неча литр сут қуйиш мумкин?
- Бидонда сут қоладими? Агар қолса, неча литр сут қолади?
- Расм бўйича ўзингиз бошқа саволлар қўйинг.

**3.** Биринчи челакка 3 бидон сув, иккинчи челакка 6 бидон сув қуйиш мумкин. Қайси челакнинг сиғими катта? Ўша саволга жавоб бериш мумкинми? Жавобингизни тушунтиринг.

**4.** Таққосланг.

27 л * 45 л  18 л * 18 л  65 л * 37 л

100 л – 36 л * 24 л  72 л + 28 л * 99 л

**5.** 34 л ва 18 литрнинг йиғиндисининг қиймати улар айирмасининг қийматидан неча литр ортиқ?

**6.** Жадвал асосида тенгламалар тузинг. Уларни ечинг.

| Камаювчи | $y$ | 45 | $a$ |
|---|---|---|---|
| Айрилувчи | 24 | $c$ | 42 |
| Айирманинг қиймати | 63 | 20 | 18 |

**7.** Биринчи қаторга тенгликлар ва тенгсизликларни, иккинчи қаторга сонли ва ҳарфий ифодаларни ёзинг.

$c + 5$ $x - 20$ $8 - y = 3$ $60 - 20$

$20 + 30$ $b > 5$ $9 - 4 = 5$ $3 < 5$

**8.** Масалани ечинг.

Достон бочкадан 19 л сув олиб, уни астауга қуйганда, бочкада 24 л сув қолди. Бочкада неча литр сув бўлган эди?



**9.** Таққосланг.

48 л * 84 л 23 л + 47 л * 24 л + 46 л

92 л * 29 л 78 л – 29 л * 77 л – 28 л

## Ўйланг, топинг!

**10.** Сиғимлари 10 л ва 3 л бўлган иккита идиш берилган. Ушбу идишлардан фойдаланиб, 8 литр сувни қандай қуйиб олиш мумкин?

Қозоқ халқининг қадимда қўлланган сиғим бирликлари: тўрсиқ, саба – мол терисидан ясалган, суюқлик (шубат, қимиз ва б.) қуйишга мўлжалланган идишлар.

# 31-ДАРС КАТТАЛИКЛАРНИ ТУРЛИ АСБОБЛАР БИЛАН ЎЛЧАШ

**Сиз катталикларни ўлчайдиган турли асбоблар билан танишасиз, катталикларнинг қийматларини таққослашни давом эттирасиз.**

**1.** а) Расмдаги ўлчов асбоблари билан қандай катталикларни ўлчаш мумкин? Яна қандай ўлчов асбобларини биласиз?



Омбор тарозиси

Ўлчагич идиш

Бир метрли чизғич

Букланадиган чизғич

Қўл соати

Электрон тарози

б) Ўлчов асбобларини танлаб, ручканинг узунлигини ўлчанг.

**2.** а) Расмга қаранг. Катталикларнинг қийматларини аниқланг ва ёзинг. Улардан фойдаланиб, тенгсизликлар тузинг.



б) Туя, қўй ва улоқ каби уй ҳайвонларини ёдингизга туширинг. Уларнинг массаларини таққосланг ва ўсиб бориш тартибида айтинг.

**3.** Расмга қаранг. Идишларнинг сиғимлари ўсиб бориши тартибида айтинг.



**4.** Масалаларни ечинг.



а) Бувим кашта тикиш учун турли рангдаги узунликлари 35 дм ва 47 дм иплардан фойдаланди. Бувим ҳаммаси бўлиб неча дециметр ипдан фойдаланди?

б) Қўзининг массаси 12 кг, қўйнинг массаси эса 35 кг. Қўзининг массаси қўйнинг массасидан неча килограмм кам?

в) Бочкада 45 л сув бор. Ундан 9 л сув челакка қуйилди. Бочкада неча литр сув қолди?

**5.** □ ўрнига қандай бир хонали сонларни қўйиш мумкин? Мумкин бўлган вариантларни ёзинг.

48 + □ + □ = 61  83 − □ − □ = 69

**6.** 4 соатдан кейин соатлар қандай вақтни кўрсатишини ёзинг.



Ўлчов асбобларида саноқ боши сифатида ноль сони олинади.

# 32-ДАРС КАТТАЛИКЛАРНИНГ ҚИЙМАТЛАРИ УСТИДА АМАЛЛАР БАЖАРИШ

**Сиз катталикларнинг қийматлари устида амаллар бажаришни давом эттирасиз.**

**1.** Амалларни бажаринг.

100 кг – (72 кг + 28 кг)    (18 л + 33 л) – 37 л
70 м – (100 м – 62 м)    53 ц – (90 ц – 37 ц)

**2.** Масалани ечинг.

Дўстимнинг отаси электрчи бўлиб ишлайди. У электр симларини ўтказиш учун узунлиги 100 м бўлган бир ўрам сим сотиб олди ва унинг 64 метрини сарфлади. Ўрамда неча метр сим қолди?



Ушбу масалага тескари масала тузинг ва уни ечинг.

**3.** Масалани ечинг.

Кўргазмага 60 ц йилқи гўшти ва 42 ц сигир гўшти олиб келинди. Йилқи гўшти сигир гўштига қараганда неча центнер ортиқ олиб келинган?

Ушбу масалага тескари масала тузинг ва уни ечинг.

**4.** Масалани ечинг.

Онам билан 15 л олма ва 9 л узум шарбатини тайёрладик. Онам билан мевалардан жами неча литр шарбат тайёрладик?



**5.** Жадвалларни тўлдиринг.

| $a$ | 8 л | 23 л |
|---|---|---|
| $a$ + 15 л | | |

| $b$ | 17 ц | 22 ц |
|---|---|---|
| $b$ − 7 ц | | |

**6.** Узунлиги 1 м 50 см ипдан 5 дециметр кирқиб олинди. Қолган ипнинг узунлигини топинг.

**7.** Тенгламаларни ечинг: $52 - x = 29$; $y + 35 = 97$.

**8.** Амаллар кетма-кетлигини бажаринг.




**9.** Амалларни бажаринг.

16 см + 48 см = □ см
72 см = □ дм + 12 см
1 м − □ дм = 20 см
□ кг + 9 кг = 1 ц
57 ц − □ ц = 14 ц
40 л − □ л = 25 л

## Ўйланг, топинг!

**10.** Ҳар бир токчадаги идишларда бир хил миқдорда сув бор. Кўзага неча стакан сув сиғади? Косага-чи?



33-ДАРС

# ЎЗИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

## КАТТАЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

**Сиз:**

✓ катталикларни ўлчаш асбобларини бир-биридан фарқлашни;
✓ катталикларнинг қийматларини шакл алмаштиришни, таққослашни;
✓ катталикларнинг қийматлари устида амаллар бажаришни;
✓ содда масалаларни ечишни;
✓ тенгламаларни ечишни **ўргандингиз.**

**1.** Кўрсатилган ўлчов бирликларига шакл алмаштиринг.

92 см = … дм … см
100 см = … м = … дм
4 дм 6 см = … см
1 м = … дм = … см

100 кг = … ц
1 ц = … кг
50 см = … дм
8 дм = … см

**2.** Таққосланг.

42 см – 9 см * 43 см – 8 см
24 л – 5 л * 21 л – 4 л
67 кг * 1 ц
1 ц – 37 кг * 73 кг

**3.** Амалларни бажаринг.

37 см + 63 см = ... см =... дм = ... м
1 м – 4 дм 7 см = ... см = ... дм ... см
9 дм 2 см + 8 см = ... см = ... дм = ... м
99 л – 62 л = … л

3 ц − (8 ц − 7 ц) = … ц
74 кг + 26 кг = … кг = … ц

**4.** Масалани ечинг.

Опамда 27 м тасма бор эди. Ундан 19 метр синглимга берди. Опамда неча метр тасма қолди?

**5.** Масалани ечинг.

Боғбон бозорда 20 кг қулупнай ва 37 кг қорағат сотди. Боғбон ҳаммаси бўлиб неча килограмм мева сотган?

**6.** Масалани ечинг.

Челакда 19 л, чойнакда ундан 17 л кам сув бор. Чойнакда неча литр сув бор?

**7.** 6-топшириқдаги масалага тескари масала тузинг ва уни ечинг.

**8.** Масалани ечинг.

Қозонда 3 л, челакда эса 7 л сут бор. Иккала идишда жами неча литр сут бор?

**9.** Тенгламаларни ечинг.

$x - 27 = 56$ $35 - b = 7$ $43 + y = 69$

# 34–36-ДАРСЛАР ЎТИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАКРОРЛАШ. МУСТАҲКАМЛАШ

**Сиз ўтилган материалларни такрорлайсиз ва мустаҳкамлайсиз.**

**1.** Сонларни айтинг.

9 ўнл. 7 бирл. 4 ўнл. 8 бирл.
6 ўнл. 3 бирл. 5 ўнл. 2 бирл.

**2.** а) 40 дан 60 гача 1 тадан орттира бориб, сонларни айтинг.
б) 20 дан 1 тадан камайтира бориб, сонларни камайиб бориш тартибида айтинг.

**3.** Сонларни ўқинг. Уларнинг ўнликлари ва бирликлари сонини аниқланг.

54 = … ўнл. … бирл. 90 = … ўнл. … бирл.
76 = … ўнл. … бирл. 27 = … ўнл. … бирл.

**4.** □ ўрнига хона қўшилувчиларини ёзинг.

57 = □ + □ 30 = □ + □ 72 = □ + □

**5.** Узунлиги 6 см га тенг кўк кесма чизинг. Узунлиги ундан 5 см ортиқ бўлган қизил кесма чизинг, қизил кесмадан 4 см қисқа бўлган яшил кесма чизинг.

**6.** Ёзинг:

а) иккинчи хонанинг 3 бирлигидан ва биринчи хонанинг 0 бирлигидан иборат сонни;
б) иккинчи хонанинг 5 бирлигидан ва биринчи хонанинг 3 бирлигидан иборат сонни.

**7.** Дафтар катакларидан фойдаланиб, ушбу сонларнинг график моделини ясанг:

а) 25 сонини турли рангдаги доиралар кўринишида;

б) 43 сонини турли рангдаги квадратлардан иборат диаграмма кўринишида.

**8.** Таққосланг.

25 * 28      6 ўнл. 4 бирл. * 5 ўнл. 9 бирл.

75 * 68      9 ўнл. 2 бирл. * 90 бирл.

**9.** Ифодаларнинг қийматини топинг.

$18 - 8 - 3 + 2$      $40 + 25 - 26$      $57 - 49 + 83$

$19 - 5 + 3 - 4$      $85 - 40 - 17$      $96 - 37 - 19$

**10.** Амалларнинг бажарилиш тартибини аниқланг ва ўқинг. Ифодаларнинг қийматини топинг.

$(39 - 24) - (15 - 7)$      $(23 + 52) - (17 + 13)$

$(46 - 35) + (21 + 19)$      $(23 + 77) - (68 - 19)$

**11.** Ифодаларни ёзинг.

а) 83 билан $24 - c$ ифоданинг йиғиндиси;

б) $b$ билан $58 - 19$ ифоданинг айирмаси.

**12.** □ ўрнига тегишли сонни қўйинг.

$83 + 17 = \square$      $\square + 17 = 100$      $100 - 17 = \square$

$94 - \square = 35$      $\square + 35 = 94$      $59 + 35 = \square$

**13.** а) 14, 15, 16 сонларини қўшилувчиларидан бири 8 бўладиган иккита бир хонали сонларнинг йиғиндиси кўринишида ёзинг.

б) 35 ва 17 сонлари айирмасининг қийматини бир хил қўшилувчиларнинг йиғиндиси кўринишида ёзинг.

**14.** Чизма асосида масала тузинг. Масаланинг ечимини ёзинг: а) сонли ифода шаклида; б) тенглама шаклида.




**15.** Масалани тенглама тузиб ечинг.

Бувам билан боғдан бир неча килограмм нок ва ундан 5 кг ортиқ олма териб олдик. Агар териб олинган олма 15 кг бўлса, неча килограмм нок тердик?

**16.** а) Кўрсатилган ўлчов бирликларига шакл алмаштиринг.

9 дм 9 см = □ см　　　76 см = □ дм □ см

7 дм = □ см　　　2 м = □ дм

б) Катталикларнинг қийматларини таққосланг.

7 дм 8 см * 79 см　　　45 см * 46 см

50 ц * 40 ц　　　36 кг + 64 кг * 100 кг

26 л + 73 л * 100 л　　　80 л – 64 л * 35 л

в) Амалларни бажаринг.

42 кг – (99 кг – 71 кг)　　　(63 кг – 49 кг) + 86 кг

(28 л + 32 л) – 50 л　　　(75 л – 57 л) + 82 л

**17.** Қаламнинг узунлиги қизил ва яшил кесмаларнинг узунликлари йиғиндисига тенг. Қаламнинг узунлигини топинг.



# БОШҚОТИРМА ВА САНАМОҚ





**1.** Шохлардаги гилосларни узиб олмай, барча гилосларни учта болага қандай қилиб тенг тақсимлаб бериш мумкин?

**2.** Салтанат, Лаззат, Нозима, Гулноранинг туғилган кунлари – 2 февраль, 10 октябрь, 2 июнь, 28 февраль. Лаззат ва Нозима бир ойда туғилган. Салталат ва Лаззатнинг туғилган кунлари турли ойларнинг бир хил кунларида. Ҳар бир қизнинг қайси ойда, қайси кунда туғилганини аниқланг.

**3.** 2 та таёқчани олиб ташлаш орқали 7 та бир хил квадрат ҳосил қилинг.



**4.** Берилган сонлар орасидан қандай иккита сонни олиб ташлаганда, қолган сонлар йиғиндисининг қиймати 15 га тенг бўлади?

**8** **4** **9** **3** **1**

**5.** Сотувчида паллали тарози ва массалари 1 кг, 2 кг ва 5 кг бўлган қадоқтошлар бор. Сотувчи ўша қадоқтошлардан энг енгилини ва энг оғирини тарозининг бир палласига қўйди. Иккинчи палласига қолган қадоқтошни ва мевалар солинган халтани қўйди, бунда тарозининг паллалари тенглашди. Мевалар солинган халтанинг массасини аниқланг.

# 37-ДАРС

# ХОНАДАН ЎТМАЙ ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз хонадан ўтмай, икки хонали сонларни ёзма қўшиш ва айиришни ўрганасиз.**

**1.** Қўшиш ва айириш амалларининг қандай бажарилишини тушунтиринг.

**34 + 23** **57 – 23**

$34 + 23 = (30 + 4) + (20 + 3) = (30 + 20) + (4 + 3) = 50 + 7 = 57$

$57 - 23 = (50 + 7) - (20 + 3) = (50 - 20) + (7 - 3) = 30 + 4 = 34$

**2.** Сонларни устун шаклида қўшиш қандай бажарилишини тушунтиринг.

| | Ўнл. | Бирл. |
|---|---|---|
| + | 3 | 4 |
| | 2 | 3 |
| | 5 | 7 |

1) Қўшилувчиларнинг бирликларини қўшаман: 4 + 3 = 7. Бирликларнинг тагига 7 ни ёзаман.

2) Қўшилувчиларнинг ўнликларини қўшаман: 3 + 2 = 5. Ўнликларнинг тагига 5 ни ёзаман.

*Жавобни ўқийман*: йиғиндининг қиймати 57 га тенг.

$$\begin{array}{r} 34 \\ +\,23 \\ \hline 57 \end{array} \qquad \begin{array}{r} 34\text{ см} \\ +\,23\text{ см} \\ \hline 57\text{ см} \end{array}$$

**!** Бирликлар бирликларга қўшилади, ўнликлар ўнликларга қўшилади.

**3.** Мисолларни устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

52 + 16 34 + 65 25 см + 43 см

**4.** Сонларни устун шаклида айириш қандай бажарилишини тушунтиринг.

| Ўнл. | Бирл. |
|---|---|
| 5 | 7 |
| − 2 | 3 |
| 3 | 4 |

$$\begin{array}{r} 57 \\ -\,23 \\ \hline 34 \end{array} \qquad \begin{array}{r} 57\text{ дм} \\ -\,23\text{ дм} \\ \hline 34\text{ дм} \end{array}$$

1) Камаювчининг бирлигидан айрилувчининг бирлигини айираман: 7 − 3 = 4. Бирликларнинг тагига 4 ни ёзаман.

2) Камаювчининг ўнлигидан айрилувчининг ўнлигини айираман: 5 − 2 = 3. Ўнликларнинг тагига 3 ни ёзаман.

*Жавобни ўқийман*: айирманинг қиймати 34 га тенг.

**!** Бирликлардан бирликлар айирилади, ўнликлардан ўнликлар айирилади.

**5.** Мисолларни устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

56 − 24    85 − 32    69 дм − 27 дм

**6.** Кузги таътилда мактабимиздан 32 нафар бола музейга, 11 нафар бола циркка борди. Музейга ва циркка жами неча бола борган?

**7.** Мисолларни устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

75 − 33    83 + 16    45 кг − 34 кг
24 + 35    76 − 52    83 м + 16 м

**8.** 1, 9, 6 ва 3 сонларидан фойдаланиб, энг катта ва энг кичик икки хонали сонларни ёзинг. Мана шу сонлар айирмасининг қийматини устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

## 38-ДАРС ХОНАДАН ЎТИБ ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ЁЗМА ҚЎШИШ

**Сиз хонадан ўтиб икки хонали сонларни устун шаклида қўшишни ўрганасиз.**

юзлар хонаси

**1.** а) Сонларни устун шаклида қўшиш қандай бажарилишини тушунтиринг.

| Ўнл. | Бирл. |
|---|---|
| 1 | |
| 4 | 5 |
| + 1 | 9 |
| 6 | 4 |

1) Қўшилувчиларнинг бирликларини қўшаман: 5 + 9 = 14. Бирликларнинг тагига 4 ни ёзаман, 1 та ўнликни ёдимда сақлайман.

2) Қўшилувчиларнинг ўнликларини қўшаман: 4 + 1 = 5. 5 га ёдимда сақлаган 1 ўнликни қўшаман. У ҳолда 5 + 1 = 6. 6 ни ўнликларнинг тагига ёзаман.

*Жавобни ўқийман*: йиғиндининг қиймати 64 га тенг.

б) 47 ва 33 сонларини устун шаклида мустақил ёзиб ҳисобланг.

**2.** Мисолларни устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

25 + 37     38 + 42     36 мин + 18 мин

**3.** Гапни ўқинг. Савол бериб, уни масалага айлантиринг. Масалани ечинг.

Синфимизда 15 нафар қиз ва 16 нафар ўғил бола бор.



**4.** Сонларни устун шаклида қўшиш қандай бажарилишини тушунтиринг.

| Юзл. | Ўнл. | Бирл. |
|---|---|---|
| | 1 | |
| | 6 | 5 |
| + | 3 | 5 |
| 1 | 0 | 0 |

**!** Юзлик – учинчи хона бирлиги.

1) Қўшилувчиларнинг бирликларини қўшаман: 5 + 5 = 10. 0 ни бирликларнинг тагига ёзаман, 1 ўнликни ёдимда сақлайман.

2) Қўшилувчиларнинг ўнликларини қўшаман: 6 + 3 = 9. 9 га ёдда сақлаган 1 ўнликни қўшаман, шунда 9 + 1 = 10. 0 ни ўнликларнинг тагига ёзаман.

3) 1 ни юзликларнинг тагига ёзаман.

*Жавобни ўқийман*: йиғиндининг қиймати 100 га тенг.

**5.** Мисолларни устун шаклида мустақил ёзиб ҳисобланг.

75 + 25   37 + 63   51 л + 49 л

**6.** Тенгламаларни ечинг: $x + 34 = 97$; $x - 25 = 66$.

**7.** Ифодалар тузинг ва қийматини топинг.

а) 27 ва 63 нинг йиғиндисига 8 ни қўшинг;

б) 24 га 38 ва $b$ нинг йиғиндисини қўшинг, бунда $b = 19$.

**8.** Мисолларни устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

| | | |
|---|---|---|
| 23 + 47 | 35 + 49 | 24 кг + 76 кг |
| 44 + 37 | 68 + 32 | 65 см + 24 см |

**39-ДАРС**

# ХОНАДАН ЎТМАСДАН ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИ АЙИРИШ

**Сиз хонадан ўтмасдан икки хонали сонларни айиришни ўрганасиз.**

**1.** а) Сонларни устун шаклида айириш қандай бажарилишини тушунтиринг.

| Ўнл. | Бирл. |
|---|---|
| $\dot{8}$ | 0 |
| − 4 | 9 |
| 3 | 1 |

1) Камаювчининг бирлигидан айрилувчининг бирлигини айираман. 0 < 9, шунинг учун камаювчининг 1 ўнлигидан ва 0 бирлигидан 9 ни айираман (ёддан чиқармаслик учун 8 рақамининг устига нуқта қўяман). 1 ўнл. ва 0 бирл. – бу 10 та бирликни билдиради. 10 − 9 = 1. Бирликларнинг тагига 1 ни ёзаман.

2) Камаювчининг ўнлигидан айрилувчининг ўнлигини айираман. 8 та ўнл. бўлган эди, 1 ўнликни бирликларга сарфладик, шунда 7 та ўнлик қолди. 7 − 4 = 3. 3 ни ўнликларнинг тагига ёзаман.

*Жавобни ўқийман*: айирманинг қиймати 31 га тенг.

б) 64 дан 19 ни айиришни устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

**2.** Мисолларни устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

70 − 24 83 − 26 60 мин − 32 мин

**3.** Гапни ўқинг. Савол бериб, уни масалага айлантиринг. Масалани ечинг.

2-«А» синфида 27 нафар, 2-«Б» синфида 25 нафар ўқувчи бор.

**4.** Сонларни устун шаклида айириш қандай бажарилишини тушунтиринг.

| | Юзл. | Ўнл. | Бирл. |
|---|---|---|---|
| − | $\dot{1}$ | $\dot{0}$ | 0 |
| | | 3 | 5 |
| | | 6 | 5 |

1) Камаювчининг бирлигидан айрилувчининг бирлигини айираман. 0 < 5, шунинг учун 5 бирликни камаювчининг 1 юзлигидан айираман (ёддан чиқармаслик учун 0 ва 1 рақамларининг устига нуқта қўяман). 1 ўнл. ва 0 бирл. – бу 10 бирликка тенг. 10 – 5 = 5. 5 ни бирликларнинг тагига ёзаман.

2) Камаювчининг ўнлигидан айрилувчининг ўнлигини айираман.10 та ўнликнинг 1 ўнлигини олганмиз, демак 9 ўнлик қолди. 9 – 3 = 6. 6 ни ўнликларнинг тагига ёзаман.

*Жавобни ўқийман*: айирманинг қиймати 65 га тенг.

**5.** Мисолларни устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

100 – 34     100 – 56     100 см – 68 см

**6.** Ифодалар тузинг ва уларнинг қийматини топинг.

а) 90 билан 36 сонларининг айирмасидан 22 ни айиринг;
б) 100 дан 40 ва *d* нинг айирмасини айиринг, бунда *d* = 29.

**7.** Мисолларни устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

| | | |
|---|---|---|
| 60 – 47 | 70 см – 47 см | 62 л – 28 л |
| 92 – 58 | 100 м – 27 м | 40 кг – 13 кг |
| 39 + 24 | 67 ц + 24 ц | 30 дм – 17 дм |

# 40-ДАРС. ЮЗЛИК. ЮЗЛИКЛАР БИЛАН САНАШ. ЮЗЛИКЛАРНИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз саноқнинг янги бирлиги – юзликнинг қандай тузилганини билиб оласиз ва юзликлар билан санашни, юзликларни ёзишни, таққослашни, қўшиш ва айиришни ўрганасиз.**

**1.** Тушириб қолдирилган сонларни айтинг.

а) 1 бирл. = 1, 2 бирл. = 2, ..., 9 бирл. = 9;

б) 10 бирл. = 1 ўнл. = 10, ..., 90 бирл. = 90;

в) 10 ўнл. = 1 юзл. = 100, 90 ўнл. = 9 юзл. = 900;

г) 10 юзл. = 1 мингл. = 1000.

**!** Исталган хонадаги ҳар 10 бирлик ундан катта хонанинг битта бирлигини ташкил қилади.

**2.** Расмларга қаранг. Тугмаларни сананг: бирликлар билан ўнгача; ўнликлар билан юзгача; юзликлар билан минггача.

Битта тугмани 1 та бирлик (1 бирл.) деб қабул қиламиз.


**Бирлик**


**Ўнлик**


**Юзлик**


**Минглик**

**3.** Мисолларни тушунтириб ечинг.

а) 20 + 30 = 2 ўнл. + 3 ўнл. = ...
   60 – 40 = 6 ўнл. – 4 ўнл. = ...
   300 + 700 = 3 юзл. + 7 юзл. = 10 юзл. = ...

б) 300 + 70 = 30 ўнл. + 7 ўнл. = ...
   65 ўнл. – 2 ўнл. = ...

23 ўнл. + 77 ўнл. = ...
97 ўнл. – 65 ўнл. = ...

**4.** Амалларни бажаринг.

(600 + 100) – 200
(900 – 500) + 300
(89 ўнл. – 9 ўнл.) + 200
(57 ўнл. + 3 ўнл.) + 300

**5.** Таққосланг.

34 ўнл. * 43 ўнл.
10 ўнл. * 100 бирл.
500 * 900
50 * 90
10 ўнл. * 1 юзл.
1 юзл.* 1 мингл.

**6.** Матнларни таққосланг. □ ўрнига зарур сонни қўйиб, масалаларни ечинг.



а) Октябрь ойида кутубхонадан 45 нафар ўқувчи, ноябрь ойида 44 нафар ўқувчи китоб олди. Шу икки ойда жами неча бола китоб олган?

б) Октябрь ва ноябрь ойларида кутубхонадан □ нафар ўқувчи китоб олган. Октябрь ойида 45 нафар ўқувчи китоб олган бўлса, ноябрь ойида неча бола китоб олган?

**7.** а) Амалларни бажаринг.

500 + 400
(56 ўнл. + 24 ўнл.) – 400
700 – 500
(400 + 100) – 300

б) Ифодаларни таққосланг.

63 ўнл. – 23 ўнл. * 500 – 200
27 ўнл. – 7 ўнл. * 100 + 100

**8.** Тўғри тенгликни тўлдиринг: 96 – 23 = 24 + □.

**41-ДАРС**

# СОНЛАР ҚАТОРИ

**Сиз берилган қонуният бўйича кетма-кетликлар тузишни ва кетма-кетликдаги қонуниятнинг бузилишини топишни ўрганасиз.**

**1.** а) 50 сонининг олдидаги ўнликни ёзинг;
б) 600 сонидан кейинги юзликни ёзинг;
в) 600 ва 800 сонлари орасидаги юзликни ёзинг.

**2.** а) Тушириб қолдирилган юзликларни айтинг.

100 300 700 1000

б) Ёзув қандай қонуният бўйича ёзилганини топинг ва уни давом эттиринг.

900 700 ...

б) Қонуниятни аниқланг:
100, 300, 500, 600, 700, 1000;
1 000, 800, 600, 500, 100.
Қонуният қаерда бузилган? Хатосини тузатиб, кетма-кетликларни дафтарга ёзинг.

**3. Тадқиқ қилиш.** Жадвалдаги сонлар қаторини ўрганинг. Уларни таққосланг.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9 | 17 | 25 | 33 | 41 |
| 6 | 11 | 16 | 21 | 26 |
| 8 | 16 | 24 | 32 | 40 |
| 7 | 15 | 23 | 31 | 39 |

- Қайси сонлар қатори ортиқча?
- Ушбу кетма-кетлик бўйича ўзингиз бошқа саволлар қўйинг.

**4.** Қонуниятни аниқлаб, кетма-кетликни давом эттиринг.

67, 60, 53, 46, 39, □, □, □.

**5.** а) Биринчи сон 38 га тенг, ундан кейин келадиган ҳар бир сон олдинда турган сондан 5 та ортиқ бўлган саккизта сонлар кетма-кетлигини ёзинг.
б) Биринчи сон 52 га тенг, ундан кейин келадиган ҳар бир сон олдида турган сондан 8 та кам бўлган олтита сонлар кетма-кетлигини ёзинг.

**6.** Матнларни ўқинг. □ ўрнига тегишли сонни қўйиб, масалаларни ечинг.

Мактабимиздаги биринчи синфларда 29 нафар ўғил бола ва 25 нафар қиз бола бор. Биринчи синфларда жами неча ўқувчи бор?

Мактабимиздаги биринчи синфларда □ та ўқувчи бор. Улардан 25 нафари қизлар, қолганлари ўғил болалар. Биринчи синфларда неча ўғил бола бор?

**7.** Тенгламаларни ечинг.

$x + 300 = 900$ $\qquad 800 - x = 200$ $\qquad x - 300 = 600$

**8.** Кўрсатилган ўлчов бирликларига айлантиринг.

3 м 5 дм = □ дм $\qquad$ 8 м = □ дм
45 см = □ дм □ см $\qquad$ 6 дм = □ см

**9.** Қонуният қаерда бузилганини топинг. Хатони тузатинг, қаторни давом эттириб яна 3 та сон ёзинг.
а) 20, 23, 26, 32, 38, 45, ... ;
б) Қонуниятни аниқлаб, қаторни давом эттиринг: ..., ..., 500, 700, ... .

**42-**
**ДАРС**

# ҲИСОБЛАШНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛЛАРИ

**Сиз қулай усуллар билан ҳисоблашни ўрганасиз.**

**1.** Сонларни қўшиш ва айириш усулларига қаранг. Қайси ҳисоблаш усули қулай?

16 + 49 = 16 + 40 + 4 + 5 = 16 + 4 + 40 + 5 =
= 20 + 40 + 5 = 60 + 5 = 65

65 – 49 = (50 + 15) – (40 + 9) = (50 – 40) +
+ (15 – 9) = 10 + 6 = 16

(60 + 30) + 70 + 40 = 60 + (30 + 70) + 40 =
= 60 + 40 + (30 + 70) = 100 + 100 = 200

**2.** Ифодаларнинг қийматини қулай усулда ҳисобланг.

45 – 39 23 ўнл. + 2 ўнл. + 7 ўнл. + 48 ўнл.
17 + 38 (34 ўнл. + 8 ўнл.) + 52 ўнл. + 6 ўнл.

**3.** Ифодаларнинг қийматини қулай усулда ҳисобланг.

***Намуна:***
300 + 40 + 500 + 60 = 300 + 500 + 40 + 60 =
= 800 + 100 = 900
(100 + 24) + 76 = 100 + (24 + 76) = 100 + 100 =
= 200

31 + (69 + 300) 80 + 700 + 20 – 300

**4.** Қонуниятни аниқлаб, тушириб қолдирилган ифодаларни ёзинг.

а) 16 + 15, 26 + 15, ..., 86 + 15;
б) 21 – 14, 31 – 14, ..., 91 – 14.

**5.** Масалаларни ечинг.

Шахмат тўгарагига 20 нафар ўғил бола ва 15 нафар қиз бола қатнашади. Шахмат тўгарагига жами неча бола қатнашади?

Адабиёт тўғарагига 32 нафар ўқувчи қатнашади. Уларнинг 13 таси юқори синф, қолганлари бошланғич синф ўқувчилари. Адабиёт тўғарагига қанча бошланғич синф ўқувчилари қатнашади?

**6.** Диаграмма бўйича саволларга жавоб беринг.

- Расм тўгарагига нечта бола қатнашади?
- Дўмбира тўгарагига нечта бола қатнашади?
- Диаграмма бўйича ўзингиз бошқа саволлар қўйинг.




Расм тўгараги
Футбол
Тўғизқумалак тўгараги
Дўмбира тўгараги

**7.** Қулай усул билан ҳисобланг.

$72 - 17$
$46 + (54 + 200)$
$14 + 55 + 25$
$28 + 56$
$70 + 20 + (80 + 30)$
$34 + 66 - 16$

**8.** Зебо ўйлаган сонини 18 та камайтирганида 25 ҳосил бўлди. Зебо ўйлаган сонни топинг.

Абак – арифметик ҳисоблар учун қўлланиладиган ҳисоблаш тахтаси (ҳисобчўт).



43-
ДАРС

# ЎЗИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

## ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ. ЮЗЛИКЛАР

**Сиз:**

✓ юзликларни тузиш, ёзиш, таққослаш, 1000 гача юзликлар билан санашни;
✓ икки хонали сонларни устун шаклида қўшиш ва айиришни;
✓ юзликларни қўшиш ва айиришни;
✓ 1000 гача юзликлар кетма-кетлиги қонуниятини аниқлашни;
✓ берилган қонуният бўйича кетма-кетлик тузишни, қонуниятнинг бузилишини аниқлашни **ўргандингиз.**

**1.** Сонларни таққосланг.

6 * 8
6 ўнл. * 6 бирл.
8 ўнл. * 8 юзл.

60 * 80
60 ўнл. * 6 юзл.
800 * 600

**2.** Ҳисоблашни устун шаклида бажаринг.

63 + 27

100 – 38

**3.** а) Ифодаларнинг қийматини топинг.

(100 – 25) – 35
60 + (12 + 18)

(13 + 17) – (24 – 4)
(70 + 20) – (15 + 25)

б) Мисолларни ечинг.

(600 + 300) – 500

(62 ўнл. – 10 ўнл.) – 22 ўнл.

**4.** а) Устун кўринишида нотўғри ёзилган мисолларни топинг. Ҳисобланг.

$$\begin{array}{r} 38 \\ +\;42 \\ \hline \end{array} \qquad \begin{array}{r} 57 \\ +\;36 \\ \hline \end{array} \qquad \begin{array}{r} 100 \\ -\;65 \\ \hline \end{array} \qquad \begin{array}{r} 100 \\ -\;54 \\ \hline \end{array} \qquad \begin{array}{r} 47 \\ +\;23 \\ \hline \end{array}$$

б) $\square$ ўрнига тегишли сонни қўйинг.

$$\begin{array}{r} \square\,3 \\ +\;2\,7 \\ \hline 1\,0\,0 \end{array} \qquad \begin{array}{r} 8\,\square \\ -\;\square\,6 \\ \hline 4\,3 \end{array} \qquad \begin{array}{r} \square\,\square \\ +\;2\,5 \\ \hline 7\,6 \end{array} \qquad \begin{array}{r} 1\,\square\,\square \\ -\;5\,6 \\ \hline \square\,4 \end{array}$$

**5.** Сонли ва ҳарфий ифодалар тузинг. Уларнинг қийматини топинг.

а) 80 ва 26 сонларининг айирмасидан 18 ни айиринг;

б) 65 сонидан 32 ва $c$ сонларининг айирмасини айиринг, бу ерда $c = 19$.

**6.** Ифодаларни taққосланг.

$38 - 16 * 19 + 26$ $\qquad$ $54 + 36 * 100 - 18$

$69 - 38 * 80 - 56$ $\qquad$ $90 - 54 * 23 + 39$

**7.** а) Қонуният қаерда бузилган? Ифодалар кетма-кетлигидаги хатони тузатиб, дафтарингизга кўчириб ёзинг.

1 000 − 200, $\quad$ 900 − 200, $\quad$ 800 − 200,
700 − 100, $\quad$ 600 − 200.

б) Қандай қонуниятни кўряпсиз? Ифодалар кетма-кетлигини давом эттириб ёзинг.

60 + 40 − 10, $\quad$ 60 + 30 − 20, $\quad$ … ,
60 + 10 − 40.

**8.** Тенгламаларни ечинг: $x + 27 = 100$, $\quad 72 - y = 46$.

44-ДАРС

# ТАРКИБЛИ МАСАЛА

**Сиз таркибли масала нима эканлигини билиб оласиз ва уларни ҳосил қилишни ўрганасиз.**

таркибли масала

**1.** Масалани ечинг.

Синфда 13 та қиз бола ва 18 та ўғил бола бор. Синфда жами қанча ўқувчи бор?

Қизлар – 13
Ўғил болалар – 18
} ? ў.

**2.** Масалани ечинг.

Синфда 31 нафар ўқувчи бор эди. Танаффусда 9 та ўқувчи синфдан чиқиб кетди. Синфда неча ўқувчи қолди?

Бор эди – 31 ў.
Кетди – 9 ў.
Қолди – ? ў.

**3.** а) 1 ва 2-топшириқдаги масалаларнинг матнини таққосланг. Ушбу иккита масала мазмунидан қуйидаги каби *битта масала* тузиш мумкин:

«Синфда 13 та қиз бола ва 18 та ўғил бола бор эди. Танаффусда 9 та ўқувчи синфдан чиқиб кетди. Синфда неча ўқувчи қолди?»

Бор эди – 13 қ. ва 18 ўғ.
Кетди – 9 ў.
Қолди – ? ў.

Бу масала **таркибли масала** дейилади.

б) 1, 2 ва 3. а) топшириқлардаги масалаларнинг ечимини таққосланг. Нимани пайқадингиз? Хулоса чиқаринг.

**!**
- Содда масалалар бир амал билан ечилади.
- Таркибли масалалар икки ёки ундан ортиқ амал билан ечилади.

**4.** Масалани ечинг.

Синфимизда 15 та гул бор эди. Улардан 3 таси мактаб даҳлизига қўйилди, бошқа 4 та гул синфга олиб кирилди. Синфда нечта гул бўлди?



*Ечими*: (☐ – ☐) + ☐ = ☐.

*Жавоби*: ☐ гул.

**5.** Ифодалар бўйича масалалар тузинг ва ечинг.

100 – (26 + 17)

(300 + 200) + 100

**6.** Масалани ечинг.

Мактаб ошхонасида 35 та картошкали гумма ва 18 та сузмали гумма бор эди. Улардан 27 таси сотилди. Ошхонада нечта гумма қолди?

**7.** Матнни ўқинг. Унга савол қўйиб, масалага айлантиринг. Масалани ечинг.

Азизанинг 14 та эртаклар китоби ва болалар учун 7 та энциклопедияси бор. Азиза ўша китоблардан 8 тасини ўқиди.

**8.** Ребусни ечинг.

4’’ ҒРИ  ’’’ ИҚ

# 45-ДАРС СОДДА МАСАЛАНИ ТАРКИБЛИ МАСАЛАГА АЙЛАНТИРИШ

**Сиз содда масалани таркибли масалага айлантиришни ва таркибли масалаларни ечишни ўрганасиз.**

**1.** Содда масалани чизма кўринишида моделлаштиринг ва ечинг.

Мактабнинг биринчи қаватида 20 та, иккинчи қаватида ундан 7 та кам синф хоналари бор. Иккинчи қаватда нечта синф хонаси бор?

**2.** 1-топшириқдаги содда масаланиинг саволини икки амал билан ечиладиган қилиб ўзгартириш мумкин. Шунда қуйидаги *таркибли масала* ҳосил бўлади:

«Мактабнинг биринчи қаватида 20 та, иккинчи қаватида ундан 7та кам синф хоналари бор. Мактабда жами нечта синф хонаси бор?»




Ушбу ифода нимани билдиради: □ – □?

Ушбу ифода нимани билдиради: (□ – □) + □?

Масаланинг қисқа жавобини ёзинг.

**3.** Масалани ечинг.

Мактабга 26 та принтер ва ундан 5 та ортиқ компьютер сотиб олинди. Мактабга жами нечта техник воситалар сотиб олинди?

*Ушбу таркибли масаланинг жадвал кўринишидаги модели*

| Принтерлар сони | Компьютерлар сони | Барча техник воситалар сони |
|---|---|---|
| 26 | ?, 5 та ортиқ | ? |

Ушбу тенглик нимани билдиради: □ + (□ + □) = □?

**4.** Мактаб ҳовлисида 35 та терак ва ундан 16 та кам арча ўсиб турибди. Мактаб ҳовлисида жами нечта дарахт ўсиб турибди?

**5.** а) Ифодаларни турлича ўқинг ва қийматларини топинг.

(54 – 27) + 12 37 + (26 –14) 62 – (34 + 18)

б) Амалларни бажарилиш тартиби бўйича ифодалар тузинг. Уларнинг қийматини топинг.

| ***Намуна:*** А. (40 + 38) – 18 | Б. ______ | В. ______ |
|---|---|---|
| 1) 40 + 38 | 1) 92 – 22 | 1) 36 + 15 |
| 2) 78 – 18 | 2) 19 + 70 | 2) 51 – 14 |

**6.** Амалларни бажаринг.

1 м – 3 дм 5 см = □ см = □ дм □ см

73 кг + 27 кг = □ кг = □ ц

62 ц – (36 ц – 23 ц) = □ ц

**7.** Таркибли масалаларни ечинг.

Мусиқа хонасида 21 та дўмбира ва ундан 14 та кам қўбиз бор. Мусиқа хонасида жами нечта асбоб бор?





*Ечими:* □ + (□ – □) = □.

*Жавоби:* □ асбоб.

# 46-ДАРС СОДДА МАСАЛАЛАРНИ ТАРКИБЛИ МАСАЛАГА АЙЛАНТИРИШ

**Сиз содда масалаларни таркибли масалага айлантиришни ва уларни ечишни давом эттирасиз.**

**1.** Содда масалаларни таққосланг ва ечинг.

Ҳовлида 17 та ўғил болалар ва 18 та қиз болалар ўйнаб юрибди. Ҳовлида жами неча болалар ўйнаб юрибди?

Ҳовлида 35 нафар бола ўйнаб юришган эди. Улардан 19 таси уйларига кетишди. Ҳовлида нечта бола қолди?

**2.** 1-топшириқдаги иккита содда масаладан таркибли масала тузинг. Тушунтириб ечинг.



1) □ + □ = □ – ҳовлида ўйнаб юрган болалар сони.
2) □ – □ = □ – ҳовлида қолган болалар сони.
*Жавоби:* □ бола.

**3.** Масалаларни таққосланг. Ушбу масалалардан таркибли масала тузинг ва ечинг.

«Бадиий меҳнат» дарсида қизлар 34 та нақш ва 42 та гулнинг расмини бўяшди. Қизлар жами нечта гулнинг расмини бўяшган?



«Бадиий меҳнат» дарсида қизлар 76 та нақш ва гуллар расмини бўяшди. Улардан 55 тасини синф хонасини безатиш учун олишди. Нечта расм қолди?



**4.** а) 42 + 15 йиғиндининг қиймати 39 – 12 айирманинг қийматидан қанча ортиқ?

б) 61 – 29 айирманинг қиймати 66 + 15 йиғиндининг қийматидан қанча кам?

**5.** Яширинган сонларни топинг.

32 + 24 – ★ = 41          56 + ★ + 11 = 75

★ – (13 + 21) = 57          26 – 13 – ★ = 4

**6.** Масалани ечинг.

«Рақамли саводхонлик» дарсида 8 та қиз бола ва 9 та ўғил бола компьютерда ишлади. Улардан 12 таси ишларини якунлади. Нечта бола компьютердаги ишларини давом эттирди?




## Ўйланг, топинг!

**7.** а) Бир синфнинг ўқувчилари кинотеатрга чипта олиш учун иккитадан навбатга туришди. Азиз билан Мансур навбатнинг бошидан санаганда 4-жуфтлик, охиридан санаганда 10-жуфтлик бўлишди. Шунда синфдаги ўқувчилар сони нечта?




б) Ҳафта кунларининг номини ва сонини айтмасдан, бешинчи кунни айта оласизми?

**47-ДАРС**

# ТАРКИБЛИ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ

**Сиз таркибли масалаларни ечишни давом эттирасиз.**

**1.** Масалани ечинг.

Ёзги таътилда Бурабайга 12 та бола, Жасибайга 13 та бола боришни режалаштирди. Улар билан 2 та катта одам бирга боради. Жами нечта одам ҳордиқ чиқаришни режалаштирган?



Бурабай кўли



Жасибай кўли

**2.** Масалани ечинг.

«Ўқжетпес» сиҳатгоҳида 50 нафар, «Алтинай» сиҳатгоҳида 40 нафар киши ҳордиқ чиқарди. Улардан 30 нафари уйларига кетди. Сиҳатгоҳда нечта киши қолди?



«Ўқжетпес» сиҳатгоҳи



«Алтинай» сиҳатгоҳи

**3.** Масалани ечинг.

Балхаш кўлининг энг чуқур жойи 26 м, Алакўлнинг энг чуқур жойи ундан 28 м ортиқ. Тенгиз кўлининг энг чуқур жойи Алакўлга қараганда 46 м кам. Тенгиз кўлининг чуқурлиги неча метр?

**4.** Масалани ечинг.

Гулзорда 47 та гул бор. Улардан 25 таси атиргул, 13 таси райҳон, қолганини сальвия гуллари ташкил қилади. Гулзорда нечта сальвия гули бор?

**5.** Таққосланг.

56 – 17 * 27 + 14      80 – 46 * 72 – 38
100 – 72 * 15 + 19      16 + 35 * 26 + 27

**6.** Тенгламаларни ечинг.

$c - 27 = 63$      $75 - x = 39$      $a + 38 = 61$

**7.** Масалани ечинг.

Болалар «Қозоғистон» номли мавзуда сўз топиш бўйича ўйин ўйнашди. Гулзода 13 та, Нозима 19 та сўз айтди. Ойбек Гулзода ва Нозиманинг биргаликда айтган сўзларидан 9 та сўз кам айтди. Ойбек нечта сўз топган?

## Ким чаққон?

**8.** Расмда нечта учбурчак, нечта тўртбурчак кўряпсиз?



**48-ДАРС**

# ТАРКИБЛИ МАСАЛАЛАРНИ ТУРЛИ УСУЛЛАР БИЛАН ЕЧИШ

**Сиз таркибли масалаларни турли усуллар билан ечишни ўрганасиз.**

**1.** Ҳисоботни ўқинг. Уни ишлаб чиқариш усулларига қаранг.

Алмати яқинидаги «Шимбулақ» тоғ-чанғи масканида 42 киши бор эди. Тоғдан 15 киши чанғида, 4 киши чанада сирпаниб кетди. Тоғда неча киши қолди?

*1-усул.*

*1-қадам*: 15 + 4 = 19 (киши)
*2-қадам*: 42 – 19 = 23 (киши)

*2-усул.*

42 – (15 + 4) = 23 (киши)

*3-усул.*

(42 – 15) – 4 = 23 (киши)

**2.** Масалани ечинг.



а) Алматидаги «Медеу» яхмалагида коньки учаётганларнинг 53 нафари катта ёшли ва 27 нафари болалар эди. Улардан 13 таси дам олиш учун кетишди. Нечта одам қолди?

б) Бу масалани бошқа усул билан ечинг.

**3.** Кўрсатилган ўлчов бирликларига айлантиринг.

80 см = … дм　　　38 см = … дм … см
2 м = … дм　　　9 дм 5 см = … см

**4.** Тенгламаларни ечинг.

$a - 17 = 37$　　　$25 + b = 25$　　　$63 - k = 0$

**5.** Амалларнинг бажарилиш тартибига кўра ифодалар тузинг. Уларнинг қийматини топинг.

| А. ________ | Б. ________ | В. ________ |
|---|---|---|
| 1) 32 + 47 | 1) 67 – 49 | 1) 66 + 29 |
| 2) 79 – 48 | 2) 18 – 5 | 2) 97 – 95 |

**6.** Таркибли масалани турли усулда ечинг.
«Туғилган ўлка» мавзусига бағишланган концертга 7 та ўғил бола ва 8 та қиз бола қатнашди. Улардан 6 таси дўмбирада, қолганлари жетиген асбобида қўшиқ айтди. Қанча бола жетиген асбобида қўшиқ айтди?

**7.** Яширинган сўзни топинг. Бунинг учун:
- ифодаларнинг қийматини ўсиш тартибида жойлаштиринг;
- варақчалардаги ҳарфлардан тузилган сўзларни ўқинг. Бу сўзнинг маъносини қандай тушунасиз?


Баяновул миллий боғи


Нур-Султан шаҳри


Қатонқарағай миллий боғи


Манғистау ярим ороли


Қайинди кўли


Шимбулақ тоғ-чанғи дам олиш маскани

| 34 – 10 | 19 + 16 | 25 + 37 | 33 – 18 | 78 – 29 | 64 + 17 | 83 – 28 | 49 + 15 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Т | А | К | О | М | Н | А | О |

49-
ДАРС

# ЎЗИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

## ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ. ЮЗЛИКЛАР

**Сиз:**

✓ бир ва икки амалли масалани жадвал, чизма, қисқа ёзув кўринишида моделлаштиришни ва ечишни;

✓ таркибли масалаларнинг ечимини сонли ифодалар кўринишида ва алоҳида амаллар билан ёзишни;

✓ таркибли масалаларни турли усуллар билан ечишни ўргандингиз.

**1.** Масалани қисқа ёзув кўринишида ёзинг ва ечинг.

Мактаб стадионида 22 ўқувчи футбол ва ундан 10 та кам ўқувчи волейбол ўйнади. Қанча ўқувчи волейбол ўйнаган?

Шу масалани таркибли масалага айлантиринг ва ечинг.

**2.** Масалага чизма чизинг ва ечинг.

Юлдуз рангли қоғоздан 12 та нақш, Мадина ундан 5 та ортиқ нақш ясади. Қизлар қоғоздан ҳаммаси бўлиб нечта нақш ясашган?

Шу масалага тескари масала тузинг ва ечинг.

**3.** Масалани ечинг.

Мусиқа тўгарагига 16 та бола қатнашади. Улардан 2 таси қобиз, 4 таси сурнай, қолганлари дўмбира чалишни ўрганишяпти. Нечта бола дўмбира чалишни ўрганмоқда?

**4.** Масалани ечинг.

Шахмат тўгарагига 32 та ўқувчи қатнашади. Тайёргарликка 10 та қиз бола ва 20 та ўғил бола келди. Тайёргарликка қанча бола келмади?

**5.** Масалани ечинг.

Хўжаликда 13 та комбайн, 18 та юк машинаси, комбайн билан юк машинаси сони нечта бўлса, шунчадан 7 та кам трактор бор. Хўжаликда қанча трактор бор?

Комбайн – 13 ⟩ ?
Юк машинаси – 18
Трактор – ? (7 та кам)

**6.** Расмга қараб масала тузинг ва ечинг.



# 50-ДАРС СОНЛАРНИ РИМ РАҚАМЛАРИ БИЛАН ЁЗИШ

**Сиз 12 гача бўлган сонларни рим рақамлари билан ёзишни ва ўқишни ўрганасиз.**

рим рақамлари

1. • Бир хонали натурал сонларни камайиб бориш тартибида ёзинг.
   • Ўнликларни ўсиш тартибида ёзинг.
   • Юзликларни камайиш тартибида ёзинг.
   • 5 ва 7 рақамларидан фойдаланиб, икки хонали сонларни ёзинг.

*Рим рақамлари* – сонларни белгилаш учун лотин алифбосидаги еттита ҳарф ёрдамида ёзиладиган белгилар тизими.

| 1 | 5 | 10 | 50 | 100 | 500 | 1000 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I** | **V** | **X** | **L** | **C** | **D** | **M** |

Ҳар қандай натурал сон шу рақамларни такрорлаш орқали ёзилади.

Агар қиймати катта рақам кичик рақамнинг олдида турса, у ҳолда уларнинг қийматлари қўшилади. Масалан: **II** сони 2 ни билдиради, чунки 1 + 1 = 2; **III** сони 3 ни билдиради, чунки 1 + 1 + 1 = 3; **XI** сони 11 ни билдиради, чунки 10 + 1 = 11. Агар қиймати кичик рақам қиймати катта рақамнинг олдида турса, у ҳолда катта рақамнинг қийматидан кичик рақамнинг қиймати айирилади. Масалан: **IV** сони 4 ни билдиради, чунки 5 – 1 = 4; **IX** сони 9 ни билдиради, чунки 10 – 1 = 9.

**2.** Сонларни рим рақамлари билан ёзинг: 3, 7, 9, 11.

**3.** Ҳафта кунларининг тартиб рақами жадвалини тўлдиринг.

| | Дш | Сш | Чш | Пш | Жм | Шн | Яш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Араб рақами | | | | | | | |
| Рим рақами | | | | | | | |

**4.** Ифодаларнинг қийматини топиб, уларни рим рақамлари билан ёзинг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| I + IV | IX + III | IV + VIII | V + V |
| XI – IV | XII – VII | XI – IX | XII – VIII |

**5.** Тенгламаларни ечинг: $x + 33 = 87$; $c - 24 = 37$.

**6.** Рим рақамлари билан ёзинг: а) бир хонали сонларни ўсиб бориш тартибида; б) 12 гача бўлган икки хонали натурал сонларни камайиш тартибида.

**7.** Тенглик тўғри бўлиши учун битта таёқчани алмаштириб қўйинг.



**8.** Жамиланинг туғилган кунига ҳар йили ўйинчоқ совға қилишади. Биринчи йили 1 та ўйинчоқ, иккинчи йили 2 та ўйинчоқ совға қилишди. Агар ҳар йили ўтган йилгига нисбатан 1 тадан ортиқ ўйинчоқ совға қилинса, 6 ёшга тўлганида Жамиланинг ўйинчоқлари нечта бўлади?

Биз қўллаётган рақамлар араб рақамлари бўлса-да, улар Ҳиндистонда пайдо бўлган.

# 51-ДАРС ВАҚТ. ВАҚТ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

**Сиз вақт ўлчов бирликлари ва оралиқларини билиб оласиз.**

**1.** Суткадаги вақт оралиқларини билиб, жадвалга ёзинг.

| Эрталаб | Кундузи | Кечқурун | Тун |
|---|---|---|---|
| Соат … – соат … гача | Соат … – … соат гача | Соат … – соат … гача | Соат … – соат … гача |

**!** Бир суткада 24 соат бор, у тўрт вақт оралиғига бўлинади: эрталаб, кундуз, кечқурун ва тун.

**2.** Ҳафта кунлари номларини тартиби билан ёзинг. Кундалик кун тартибингиз ҳақида гапиринг.

**3.** Расмга қаранг. Йил фаслларининг ойларини айтинг.




**!** **Йил** – Ер сайёрасининг Қуёш атрофида тўлиқ бир марта айланиб чиқишига кетган вақт. Бир йилда ўн икки ой бор, улар уч ойдан тўрт фаслни ташкил қилади: қиш, баҳор, ёз, куз.

**4.** Ҳар ойда неча кун бор эканини айтинг ва эслаб қолинг.

**31 кун**
январь, март, май, июль, август, октябрь, декабрь

**30 кун**
апрель, июнь, сентябрь, ноябрь

**28 ёки 29 кун**
февраль

> **!** **Ой** – бу Ойнинг Ер атрофида айланиши билан боғлиқ вақт бирлиги. Ҳар ойдаги кунлар сони турлича бўлиши мумкин.

**5.** Тақвимдан фойдаланиб, ҳар бир фасл неча кун давом этишини билиб олинг.

**6.** Қайси ойда ва қайси кунда атаб ўтилади:
- Қозоғистоннинг Мустақиллик куни?
- Билимлар куни?
- Наврўз байрами?

**7.** Амалларни бажаринг.

34 + 66 95 – 27 (25 + 0) – (100 – 75)

**8.** ☐ ўрнига тегишли сонни қўйинг.

12 ой = ☐ йил 2 йил = ☐ ой
1 сутка = ☐ соат 60 мин = ☐ соат
2 ҳафта = ☐ сутка 26 соат = ☐ сутка ☐ соат

**9.** Оила аъзоларининг туғилган ойи, куни ва ёшини жадвал тузиб ёзинг.

**10.** Берилган соатлар сутканинг қайси вақти эканини айтинг ва бошқача ёзиб кўрсатинг: 15 соат; 21 соат; 12 соат 30 мин; 20 соат 50 мин; 23 соат 15 мин.

# 52-ДАРС СОАТ ЁРДАМИДА ВАҚТНИ АНИҚЛАШ

**Сиз соат циферблати ёрдамида вақтни аниқлашни ўрганасиз.**

**1.** Расмдаги соатларга қаранг.



- Соатнинг *соат мили* қайси сонни аниқ кўрсатяпти?
- *Минут мили-чи?* Соат неча?

Расм асосида ўзингиз бошқа саволлар тузинг.

**2.** Расм бўйича тўғри фикрни топинг.



- Соат 10 дан 20 минут ўтди ёки 9 соат 40 минут.
- Соат 8 соат 10 минут ёки 10 минути кам саккиз.
- Соат 9 соат 40 мин ёки 20 минути кам ўн.

**3. Тадқиқ қилиш.** Вақтни аниқланг.



***Намуна:*** 4 соат 39 мин ёки 16 соат 39 мин

1) 

2) 

3) 

**4.** Душанба куни дарс жадвалини жадвалга ёзинг.

| 1-дарс | 2-дарс | 3-дарс | 4-дарс |
|---|---|---|---|
| | | | |

**5.** Электрон соатларда кўрсатилган вақтни «эрталабки», «кундузги», «тунги», «кечки» сўзларини қўллаган ҳолда айтинг.




**6.** Тақвимдан фойдаланиб:

а) ёз фаслида неча ҳафта борлигини аниқланг;

б) июль ва август ойларидаги кунлар сонини қўшинг. Йиғиндининг қийматига июнь ойидаги кунлар сонини қўшинг.

**7.** Ифодалар тузинг ва уларнинг қийматини топинг.

| | | |
|---|---|---|
| 28 | + 33 − | 44 |
| 52 | | 19 |

| | | |
|---|---|---|
| 94 | − 55 + | 17 |
| 72 | | 61 |

***Намуна:*** 28 + 33 − 44 = 17; 28 + 33 − 19 = 42.

**8.** а) Соат 17 соат 15 минутни кўрсатмоқда. Бир соатдан кейин соат қайси вақтни кўрсатади?

б) Соат кундузги 11 ни кўрсатмоқда. 2 соат 45 минут аввал соат неча эди?

## Ўйланг, топинг!

**9.** а) Қум соатлар 7 минутни ва 12 минутни кўрсатяпти. Ўша соатлар ёрдамида 5 минут ўтганини қандай билиш мумкин?



б) Баҳорнинг биринчи кунидан қишнинг сўнгги кунигача неча ой бор?

Биринчи пайдо бўлган соат – Қуёш соатидир. Бундай соатлар фақат кундузги вақтни аниқлаган.

# 53-ДАРС

# КАТТАЛИКЛАРНИНГ БИРЛИКЛАРИНИ ШАКЛ АЛМАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ ҚИЙМАТЛАРИНИ ТАҚҚОСЛАШ

**Сиз катталикларнинг бирликларини шакл алмаштириш, қийматларини таққослаш кўникмасини ривожлантирасиз.**

**1.** Кўп нуқталар ўрнига узунликнинг мос бирликларини қўйинг.

- Китоб хатчўпининг узунлиги – 5 ... .
- Синф тахтасининг бўйи – 3 ... .
- Дафтарнинг бўйи – 21 ... .
- Мактаб ва уй орасидаги масофа – 700 ... .




**2.** Кўп нуқталар ўрнига массанинг мос бирликларини қўйинг.

- Сумканинг массаси – 2 ... .
- Бир қоп сабзининг массаси – 50 ... .
- Бир қоп унинг массаси – 3 ... .



**3.** Кўп нуқталар ўрнига вақтнинг мос бирликларини қўйинг.

- Бир ҳафтада – 7 ... .
- Ёзнинг давомийлиги – 3 ... .
- Самолёт – 3 ... учди.




**4.** Кўп нуқталар ўрнига сиғимнинг мос бирликларини қўйинг.

- Чойнакнинг сиғими – ... л.
- Челакнинг сиғими – ... л.
- Қозоннинг сиғими – ... л .



**5.** ☐ ўрнига тегишли сонни қўйинг.

☐ см = 1 м
☐ кг = 1 ц
1 соат = ☐ мин
4 м = ☐ дм
37 соат = ☐ сутка ☐ соат
☐ см = 1 дм
2 м = ☐ дм = ☐ см
☐ ой = 2 йил
300 кг = ☐ ц
800 см = ☐ дм = ☐ м

**6.** Таққосланг.

9 м * 90 дм
700 см * 8 дм
800 кг * 9 ц
4 ц * 400 кг
3 м * 200 см
200 кг * 3 ц
2 сутка 3 соат * 29 соат
2 йил 4 ой * 30 ой

**7.** Тақвимдан фойдаланиб, куз ойларида неча кун ва неча ҳафта борлигини аниқланг.

**8.** Кўрсатилган бирликларга айлантиринг.

3 дм 7 см = ... см
2 сутка 4 соат = ... соат
1 соат 16 мин = ... мин
2 йил 7 ой = ... ой
5 м 4 дм = ... дм
29 соат = ... сутка ... соат

## Ким чаққон?

**9.** Ифодаларнинг қийматига мос ҳарфларни жадвалга ёзиб, Қозоғистоннинг ғарбидаги шаҳар номини билиб олинг.

| 38 – 17 | А |
|---|---|

| 24 + 39 | Т |
|---|---|

| 99 + 1 | Р |
|---|---|

| 80 – 23 | У |
|---|---|

| 37 + 17 | И |
|---|---|

| 21 | 63 | 54 | 100 | 21 | 57 |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |

**10.** Агар кеча сешанба бўлса, индинга қайси кун бўлади?

## 54-ДАРС

## КАТТАЛИКЛАРНИНГ ҚИЙМАТЛАРИНИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ

**Сиз катталикларнинг қийматларини қўшиш ва айириш кўникмаларини ривожлантирасиз.**

**1.** Амалларни бажаринг.

5 соат – (87 мин – 27 мин) 2 сутка + (35 соат – 11 соат)
3 м – (37 см + 63 см) 50 л – (9 л – 7 л)
9 ц – (72 кг + 28 кг) 400 кг + (8 ц – 300 кг)

**2.** Масалани ечинг.

Ошхонага 33 л сут олиб келинган эди. Ўқувчиларга эрталаб 20 л, тушда 10 л сут берилди. Ошхонада неча литр сут қолди?




**3.** Масалани ечинг.

Йўловчи йўлда 32 соат бўлди. У 1 сутка поездда ва 5 соат автобусда юрди, қолган вақтда самолётда учди. Йўловчи самолётда неча соат учган?



**4.** Масалани ечинг.

4. Бир ўқув йилида бошланғич синф ўқувчилари учун 5 ҳафта таътил бор, ёзги таътил эса ундан 8 ҳафта ортиқ. Бир йилда ўқувчилар учун ҳаммаси бўлиб неча ҳафта таътил бор?

**5.** Жадвал бўйича тенгламалар тузинг ва ечинг.

| | | |
|---|---|---|
| Қўшилувчи | $x$ | 24 |
| Қўшилувчи | 17 | $y$ |
| Йиғиндининг қиймати | 57 | 81 |

| | | |
|---|---|---|
| Камаювчи | $y$ | 73 |
| Айрилувчи | 38 | $x$ |
| Айирманинг қиймати | 52 | 28 |

**6.** Синиқ чизиқнинг узунлигини топинг.



**7.** Транспортларнинг ҳаракат вақтини ўрганинг.

| | Чиқиш вақти | Йўлдаги вақти | Келиш вақти |
|---|---|---|---|
|  | 13 соат 15 мин | 8 соат | ? |
|  | ? | 1 сутка | 18 соат 30 мин |
|  | 20 соат | ? | 22 соат |

**8.** Амалларни бажаринг.

3 сутка – (82 соат – 34 соат)
8 ц – (36 кг + 64 кг)
4 ц – 300 кг
3 м – (10 дм + 3 дм)

## Кел, ўйнайлик!

**9.** Ҳарфлардан сўзлар тузинг ва ортиқ сўзни топинг.

ЛТИР ОСАТ ТЕМР ЕРЦНТНЕ ШҚЎИШ

Қозоқ халқининг қадимда фойдаланган *вақт ўлчовлари*: сут пиширим, бия соғим, гўшт пиширим, тушга яқин, қоқ туш ва ҳоказо.

## 55-ДАРС

## ЎЗИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

### КАТТАЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

**Сиз:**

✓ 12 гача бўлган сонларни рим рақамлари билан ёзишни, ўқишни ва қўллашни;

✓ катталикларнинг ўлчов бирликларини таққослашни;

✓ катталикларнинг ўлчов бирликлари устида амаллар бажаришни;

✓ масалалар ечишни **ўргандингиз.**

**1.** а) Сонларни рим рақамлари билан ёзинг: 2, 4, 5, 8.

б) Ифодаларнинг қийматини рим рақамлари билан ёзинг.

II + V = …　　XI – V = …　　IX – III = …

**2.** Катталикларнинг ўлчов бирлигини тартиби билан ёзинг:

- кичигидан бошлаб узунлик ўлчов бирликларини;
- каттасидан бошлаб масса ўлчов бирликларини;
- каттасидан бошлаб вақт ўлчов бирликларини.

**3.** Бир жинсли катталикларнинг бирликларини гуруҳланг: сутка, литр, метр, ҳафта, центнер, минут, сантиметр, соат, дециметр, килограмм, йил.

**4.** Таққосланг.

2 йил * 22 ой　　2 сутка * 20 соат

4 соат * 2 соат + 3 соат　　2 мутка 2 соат * 52 соат

1 дм – 3 см * 1 дм + 3 см    100 кг * 38 ц + 62 ц
20 л – 14 л * 19 л – 13 л    2 ҳафта * 2 сутка

**5.** Ўлчаш учун қайси узунлик бирлиги қулай эканини ёзинг:

- бўйингизнинг узунлигини;
- ручканинг узунлигини;
- югуриш йўлакчаси узунлигини.

Автомобилда бориш мумкин бўлган икки қишлоқ орасидаги масофани ушбу бирликларда ўлчаш қулайми?

**6.** Ўлчаш учун қайси масса бирлиги қулай эканини ёзинг:

- бир қути қантнинг массасини;
- бир қоп гуручнинг массасини.

Сизнинг фикрингизча, 1 машина кўмирнинг массасини ўша бирликлар билан ўлчаш қулайми?

**7.** Масалани ечинг.

Бургут 46 йил яшайди. Укки ундан 31 йил қисқа, қарға эса уккидан 44 йил узоқ яшайди. Қарға неча йил яшайди?



# 56-ДАРС ТЎПЛАМЛАРНИ ТУЗИШ ВА ТАСНИФЛАШ. ∈ ВА ∉ БЕЛГИЛАРИ

**Сиз тўпламларни тузиш ва таснифлаш кўникмасини ривожлантирасиз, унинг элементларини аниқлашни, ∈ ва ∉ белгиларини қўллашни ўрганасиз.**

**1.** Бу объектлар қандай тўпламнинг элементлари:
а) арча, қайин, қарағай, терак;
б) бува, буви, дада, она, қиз, ўғил;
в) чизғич, қалам, ручка?

**2.** *A* – «Математика» сўзидаги турли ҳарфлар тўплами. «М» ҳарфи – *A* тўпламга тегишли. *Ёзилиши*: М∈*A*; «б» ҳарфи – *A* тўпламга тегишли эмас. *Ёзилиши*: б∉А.

- *A* тўпламга тегишли яна учта ҳарф ёзинг.
- *A* тўпламга тегишли бўлмаган учта ҳарф ёзинг.

> Тўплам лотинча бош ҳарф билан, унинг элементлари эса кичик ҳарфлар билан белгиланади. ∈ – элементнинг тўпламга тегишли эканини, ∉ – элементнинг тўпламга тегишли эмаслигини билдирадиган белги.

**3.** Берилган сонлар қайси тўпламнинг элементлари ҳисобланади?

**2 5 7 4 9**

**4.** Расмдаги тўпламларни қараб чиқинг.




Ҳар бир тўплам ва унга тегишли элементларни айтинг.

**!** Тўпламни ёпиқ эгри чизиқ кўринишида (диаграмма кўринишида) тасвирлаб кўрсатиш мумкин.

**5. Тадқиқ қилиш.** Расмдаги тўпламларга қаранг.

*A* *B*



- *A* ва *B* тўпламларни айтинг.
- Ушбу икки тўплам элементлари сонини таққосланг.
- Диаграммалар бўйича ўзингиз бошқа саволлар қўйинг.

**6.** Масалани ечинг.

Музейнинг биринчи залида табиат ҳақида 29 та расм бор, иккинчи залдаги расмлар эса бундан 15 та ортиқ. Музейда табиат ҳақида ҳаммаси бўлиб нечта расм бор?

**7.**

| 15 та орттиринг | | | | 15 та камайтиринг | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 17 | 36 | 85 | 69 | 23 | 61 | 83 | 92 |

**8.** Тўпламлар тузинг. Ҳар бир тўплам учун 4 та элемент ёзинг.

- *A* – синф хонасидаги объектлар тўплами;
- *B* – атроф-муҳитдаги объектлар тўплами.

**9.** Тегишли амал белгилари ва сонларни қўйинг.

(13 ◯ 5) ◯ ☐ = 8 ☐ ◯ (16 ◯ 7) = 20

# 57-ДАРС. СОНЛАР ТЎПЛАМИНИ ТУЗИШ ВА ТАСНИФЛАШ

**Сиз сонлар тўпламини тузишни, таснифлашни, тўплам элементларини аниқлашни, ∈ ва ∉ белгиларини қўллашни ўрганасиз.**

сонлар тўплами

**1.** Сонлардан тузилган тўпламларни кўриб чиқинг.

*K* – 5 дан кичик бир хонали сонлар тўплами.

*K* тўпламга тегишли ва тегишли бўлмаган элементларни айтинг: 5, 3, 7, 2, 0. ∈ ва ∉ белгилардан фойдаланиб, уларни ёзинг.

*E* – бир хонали сонлар тўплами.

*E* тўпламга тегишли тўртта сон ёзинг.

**Сонлар тўплами** – элементлари сонлардан иборат бўлган тўплам.

**2.** *C* тўпламнинг диаграммасига қаранг.

*C* тўпламга тегишли ва тегишли бўлмаган сонларни айтинг. Уларни ёзинг.




**3.** Диаграммаларни таққосланг. Нимани пайқадингиз?






- *M* ва *K* тўпламларни қандай номлаш мумкин?
- Ушбу икки тўплам элементларини тўпламларга бўлинг.

**4.** *T* – 13 дан кичик икки хонали сонлар тўплами.
*O* – 15 дан кичик икки хонали сонлар тўплами.

- Иккала тўпламга ҳам тегишли элементларни ёзинг.
- *T* тўпламга тегишли элементларни ёзинг.
- *T* тўпламга тегишли бўлмаган элементларни ёзинг.

**5.** «Тўплам элементларини айтиш» ўйини.

| | |
|---|---|
| «Гуллар» тўплами: лола, … . | «Қушлар» тўплами: қалдирғоч, … . |
| «Дарёлар» тўплами: Есил, … . | «Тоғлар» тўплами: Алатау, … . |

**6.** Тенгламаларни ечинг.

$35 + a = 74$ $87 - x = 42$ $d - 72 = 18$

**7.** *A* ва *B* тўпламларни айтинг. Ушбу иккита тўпламга тегишли ва тегишли бўлмаган элементларни ёзинг.




## Ўйланг, топинг!

**8.** Берилган сонлар орасидан қайси иккита сонни олиб ташлаганда, қолган сонлар йиғиндисининг қиймати 14 га тенг бўлади?

7 9 6 1 5

# 58-ДАРС ИККИ ТЎПЛАМНИНГ БИРЛАШМАСИ ВА КЕСИШМАСИ

**Сиз икки тўпламнинг бирлашмаси ва кесишмасини ва уларни диаграммада тасвирлашни ўрганасиз.**

**1. Тадқиқ қилиш.** Диаграммаларга қаранг.




*E* ва *K* тўпламларнинг ***бирлашиш жараёни***

- *E* ва *K* тўпламларнинг элементларини айтинг.
- Ҳар бир тўпламда нечта элемент бор?
- *E* ва *K* тўпламларга умумий элементлар борми? Агар шундай бўлса, улар қандай элементлардан иборат?

**2. Тадқиқ қилиш.** Диаграммаларга қаранг.




*M* ва *O* тўпламларнинг ***кесишиш жараёни***

- *M* ва *O* тўпламлар қандай элементлардан ташкил топган? Ҳар бир тўпламда нечта элемент бор?
- Ушбу тўпламлар учун умумий элементлар борми?
- *M* ва *O* тўпламларга тегишли бўлган 3 та элементни ёзинг.

**3.** Диаграммаларга қаранг. Саволларга жавоб беринг.




- Баянаулга кимлар борди?
- Қарқаралига қанча бола кетди?
- Диаграммалар бўйича ўзингиз саволлар тузинг.

**4.** а) Диаграммаларга қаранг. Ушбу тўпламларнинг бирлашмаси ва кесишмасига тегишли бўлган сонларни айтинг.







- Диаграммага кўра ўзингиз саволлар тузинг.

б) Берилган тўпламлар элементларининг номларини солиштиринг. Ушбу тўпламларнинг бирлашиш ва кесишиш диаграммасини ясанг.
«Тоғлар» тўплами: Қоратау, Зеренди, Муғалжар;
“Кўллар» тўплами: Зайсан, Зеренди, Балхаш.

**5.** Тенгламаларни ечинг: $60 - x = 24$; $x + 15 = 82$.

**6.** Ифодалар тузинг ва уларнинг қийматини топинг.

| | | |
|---|---|---|
| 90 | − 48 + | 23 |
| 63 | | 34 |

| | | |
|---|---|---|
| 29 | + 36 − | 19 |
| 54 | | 47 |

**7.** *C* – «қўшиш» сўзидаги, *D* – «айириш» сўзидаги ҳарфлар тўплами берилган. Бу икки тўпламларнинг бирлашиш ва кесишиш диаграммасини ясанг.

# 59-ДАРС ИККИ ТЎПЛАМНИНГ БИРЛАШМАСИ ВА КЕСИШМАСИ

**Сиз икки тўпламнинг бирлашмаси ва кесишмасига оид топшириқларни бажаришни ва уларга тегишли элементларни аниқлашни билиб оласиз.**

**1.** а) *A* ва *B* тўплам элементларини уларнинг бирлашмаси натижасида ҳосил бўлган тўплам элементлари билан таққосланг.




*A* ва *B* тўпламларнинг *бирлашиш жараёни*

б) *C* ва *E* тўплам элементларини уларнинг кесишмаси натижасида ҳосил бўлган тўплам элементлари билан таққосланг. Нимани пайқадингиз?




*C* ва *E* тўпламларнинг *кесишиш жараёни*

**2.** *E* ва *K* тўпламларнинг бирлашмаси ва кесишмаси натижасида ҳосил бўлган тўпламларнинг элементларини ёзинг.

- *E* – 23 дан ортиқ, 28 дан кичик сонлар тўплами.
- *K* – 24 дан ортиқ, 29 дан кичик сонлар тўплами.

**3.** Дўстларим Қозоғистоннинг хушманзара масканларида бўлганликларини айтишди. Улардан бир нечтаси Марқакўлда бўлса, бошқалари Қайинди кўлини томоша қилган. Диаграмма бўйича ўзингиз саволлар тузинг. Уларга жавоб беринг.


Марқакўл кўли


Қайинди кўли




**4.** Амалларни бажаринг.

3 сутка – (48 соат – 24 соат)
20 соат + (18 соат – 5 соат)

**5.** Ўрмон ҳудудида 57 та эман ва 42 та қайин дарахтлари бор. Қайин эмандан қанча кам? Ушбу масалани таркибли масалага айлантиринг ва уни ечинг.

**6.** $A$ – 5 дан катта бир хонали сонлар тўплами. $B$ – 7 дан катта бир хонали сонлар ва 10 дан ортиқ, лекин 50 дан кам яхлит ўнликлар тўплами. Ушбу тўпламларнинг бирлашмаси ва кесишмаси натижасида ҳосил бўлган тўплам элементларини ёзинг.

## Ўйланг, топинг!



**7.** Учбурчак қандай фигураларнинг кесишмаси бўлиб ҳисобланади?

# 60-ДАРС РОСТ ВА ЁЛҒОН МУЛОҲАЗАЛАР

**Сиз мулоҳазаларнинг рост ёки ёлғон эканини аниқлашни ва уларни тузишни ўрганасиз.**

**1.** Мулоҳазалар ростми ёки ёлғонми?

- 40 сони 50 сонидан кичик.
- 600 сони 500 сонидан олдинда туради.
- 3 сони 4 сонидан кейин келади.
- 7 сони 6 билан 8 сонлари орасида туради.

**2.** Рост мулоҳазаларни топинг.

а) 20 сони юзликлар тўпламига тегишли.
б) 20 ва 40 сонлари икки хонали сонлар тўпламига тегишли.
Ўнлик тўпламидан фойдаланиб, биттадан рост ва ёлғон мулоҳаза қуринг.

**3.** Ёлғон мулоҳазаларни топинг.

- Учбурчак – *фазовий фигуралар* тўпламига тегишли.
- 35 сони – геометрик фигуралар тўпламига тегишли эмас.
- Квадрат – *ясси фигуралар* тўпламига тегишли эмас.
- Доира – *фазовий фигуралар* тўпламига тегишли эмас.
- Цилиндр – *фазовий фигуралар* тўпламига тегишли.
- Куб – *ясси фигуралар* тўпламига тегишли эмас.

**4.** Сонлар тўпламига қаранг. Ёзувларни ўқинг. Мулоҳазалар ростми ёки ёлғонми?

| | | |
|---|---|---|
| $5 \in A$ | $5 \notin B$ | $5 \notin A$ |
| $2 \in A$ | $2 \notin B$ | $2 \in B$ |
| $3 \in A$ | $4 \notin B$ | $4 \in B$ |




**5.** Мулоҳазалар рост ёки ёлғон эканлигини айтиб беринг.

- «Қозоғистон» сўзида 4 та унли товуш бор.
- «Ватаним» сўзида 1 та ундош товуш бор.
- «Қозоғистон» ва «Ватаним» сўзларида «Н» ҳарфи 2 марта учрайди.

Қ О З О Ғ И С Т О Н

В А Т А Н И М

**6.** Арча ва қарағай дарахтларининг баландлигини қўшганда 48 м. Агар арча дарахтининг баландлиги 10 м бўлса, у қарағай дарахтининг баландлигидан неча метр кам?

**7.** Қулай усул билан ҳисобланг.

$67 + 19 + 13$ $\qquad$ $73 + (7 + 30)$

$35 + 45 + 13$ $\qquad$ $73 - 30 + 7$

**8.** *C* ва *D* тўпламларнинг бирлашиш ва кесишиш диаграммасини ясанг ва бўянг.
- *C* – бир хонали сонлар тўплами.
- *D* – 5 дан кичик бир хонали сонлар тўплами.

Ўзингиз 3 та рост ва 3 та ёлғон мулоҳаза тузинг.

## Кел, ўйнайлик!

**9.** «Бойқўнғир» сўзидаги ҳарфлардан сўзлар тузинг. Нечта сўз туздингиз?

Б О Й Қ Ў Н Ғ И Р

## 61-ДАРС «УЧЛИК» КОМБИНАЦИЯ

**Сиз атроф-муҳитдаги нарсалардан «Учлик» комбинациялар тузишни ўрганасиз.**

нарсалар комбинацияси

**1.** 3, 5 ва 7 рақамларидан фойдаланиб, ҳар хил икки хонали сонлар тўпламини тузинг ва ёзинг.

- Бу тўпламда нечта элемент бор?
- Ушбу тўплам бўйича бошқа саволлар қўйинг.

**2.** Қутида биттадан қизил (Қ), кўк (К) ва яшил (Ж) рангли қаламлар бор.

а) Қаламларнинг «иккилик» комбинацияларининг мумкин бўлган барча ҳолларини жадвалга ёзинг.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ҚК | ҚЯ | КҚ | КЯ | | |

б) қаламларнинг «учлик» комбинацияларининг мумкин бўлган барча ҳолларини тузинг. Жавобларни жадвал кўринишида кўрсатиб ёзинг.

**3.** Идишда 2 та олма ва 2 та шафтоли бор. Ушбу меваларни идишга учтадан солишнинг турли ҳолларини тузинг. Жавобингизни жадвал кўринишида ёзинг.



**4.** Расмдаги кийимлар тўпламидан кийинишнинг 8 хил кўринишини тузинг.



**5. Амалий иш.** Расмга қаранг. 3 марта 2 тадан доира олинг ва уларни оқ доирадан кейин кўк доиралар бўладиган қилиб жойлаштиринг.



**6.** Масалани ечинг.

Оромгоҳга 63 та кўчат экилди. Улардан 12 таси терак, 9 таси жўка, қолганлари мевали дарахтлар. Оромгоҳга нечта мевали дарахт ўтқазилган?

**7.** Мисолларни ечинг.

65 + 34     54 – 48     100 – 71     27 + 73

**8.** Тенгсизликларни ёзинг:

а) 32 билан 16 нинг йиғиндиси *a* дан кичик;
б) *b* сони 22 билан 9 нинг айирмасидан кичик.

**9.** Жадвалда берилган таомномадан тушликнинг мумкин бўлган барча ҳолларини тузинг.

| 1-таом | 2-таом | 3-таом |
|---|---|---|
| кўжа | қовурдоқ | чой |
| карамшўрва | палов | шарбат |

Жавобингизни жадвал шаклида ёзинг.

## Ўйланг, топинг!

**10.** 10 та ўриндиқни хонанинг ҳар бурчагига учтадан жойлаштиринг.



62-
ДАРС

# ЎЗИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

## ТЎПЛАМ ВА УНИНГ ЭЛЕМЕНТИНИ БЕЛГИЛАШ. $\in$ ВА $\notin$ БЕЛГИЛАРИ

**Сиз:**

✓ тўпламлар тузишни ва таснифлашни;
✓ тўпламларни ва унинг элементларини белгилашни;
✓ тўпламларга $\in$ ва $\notin$ белгиларни қўллашни;
✓ тўпламларнинг бирлашиш ва кесишиш диаграммаларини ясашни;
✓ рост ва ёлғон мулоҳазаларни аниқлашни;
✓ «Учлик» комбинациялар қуришни **ўргандингиз.**

**1.** Расмдаги тўпламларни айтинг.




- Ҳар бир тўпламни ҳарф билан белгиланг. Уларнинг ҳар бирида нечта элемент борлигини ёзинг.
- Ушбу тўпламларни бирлаштиринг ва унга ном беринг.
- Ҳосил бўлган тўпламни ҳарф билан белгиланг ва нечта элементдан ташкил топганлигини ёзинг.

**2.** Диаграммаларда тасвирланган тўпламларнинг элементларини текширинг.

Мана шу икки тўпламнинг бирлашиш ва кесишиш диаграммасини ясанг. Диаграммалар бўйича ўзингиз саволлар беринг.



**3.** Топшириқни бажаринг.




– $M$ тўпламнинг элементлари.




– $P$ тўпламнинг элементлари.




- Дафтарга мана шу диаграммаларни чизинг ва унга тўплам элементларини ёзинг.
- Ҳар бир тўпламга тегишли 3 та элементни ёзинг. Масалан: $a \in M$, $k \in P$.

**4.** а) Парта устида иккитадан кўк, яшил ва қизил ручкалар ётибди. Ручкалардан 12 та «иккилик» нусхалар тузинг ва жадвалга ёзинг.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| КК | ЯЯ | ҚҚ | КЯ | КҚ | ЯҚ | | | |

б) Ручкалардан 12 та «учлик» нусхалар тузинг ва жадвалга ёзинг.

**5.** Ёлғон мулоҳазаларни топинг: а) бир йилда 24 ой бор; б) 10 см 1 дециметрга тенг; б) 2 билан 9 нинг йиғиндиси 12 дан ортиқ.

# 63, 64-ДАРСЛАР

# ЎТИЛГАН МАТЕРИАЛНИ ТАКРОРЛАШ. МУСТАҲКАМЛАШ

**Сиз ўтилган материални такрорлайсиз ва мустаҳкамлайсиз.**

**1.** Қуйидаги сонлардан фойдаланиб, қиймати 90 га тенг бўлган йиғиндилар тузинг.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 60 | 40 | 50 | 20 | 30 | 70 |

**2.** Мисолларни устун шаклида ёзиб ҳисобланг.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 37 + 53 | 27 + 36 | 47 + 53 | 54 + 46 |
| 90 – 43 | 62 – 35 | 84 – 36 | 100 – 47 |

**3.** Икки хонали сонлардан фойдаланиб, иккита йиғинди ёзинг. Кейин бу сонларнинг бирликларини қўшганда 10, ўнликларини қўшганда 7 ҳосил бўлсин. Йиғиндиларнинг қийматини топинг.

**4.** Сонларни таққосланг.

| | |
|---|---|
| 75 * 74 | 70 * 40 |
| 8 ўнл. 3 бирл. * 6 ўнл. 9 бирл. | 8 ўнл. * 6 ўнл. |
| 700 * 400 | 5 юзл.* 6 юзл. |

**5.** Сизда 200 тенгелик 4 та танга-чақа ва 100 тенгелик 9 та танга-чақа бор. 900 тенгега нарса сотиб олиш учун пул тўлашнинг турли ҳоллари жадвалини тузинг.

| | |
|---|---|
|  | *1-ҳоли*<br>200 тг + 200 тг + 200 тг + 200 тг + 100 тг |
| | *2-ҳоли*<br>... |
| | ... |

**6.** Кўрсатилган ўлчов бирликларига айлантиринг.

500 см = … м | 35 см = … дм … см
6 м 3 дм = … дм | 2 дм 4 см = … см

**7.** Берилган қонуниятни сақлаган ҳолда икки хонали сонлар кетма-кетлигини давом эттиринг: 11, 12, 22, 23, 33, …

**8.** Мисолларни ечинг.

84 – 24 + 36 | 73 + 27 – (68 + 12)
600 – 200 + 400 | (100 – 20) – (50 + 30)

**9.** Масалаларни ечинг.

а) Дўконга 78 та компьютер олиб келинди. Улардан 39 таси сотилди. Дўконда нечта компьютер қолди?

б) Дўконга 78 та компьютер олиб келинди. Улардан 39 таси сотилди ва яна 26 та компьютер олиб келинди. Энди дўконда нечта компьютер бўлди? Ушбу масалаларни қандай амаллар билан ечиш керак? Жавобингизни тавсифланг ва ёзинг.

**10.** Қийматларини ҳисобланг ва рим рақамлари билан ёзинг.

XII – VIII | XX – X | XI – IX
X + II | XI – VII | X – IV

**11.** Соатнинг қайси вақтни кўрсатаётганини ёзинг, агар:

| ҳозирги вақт | вақтнинг ўзгариши | натижа |
|---|---|---|
| 12 соат 10 мин | 30 минутдан кейин | |
| 10 соат 12 мин | 2 соатдан кейин | |

| | | |
|---|---|---|
| 6 соат 47 мин | 13 минутдан кейин | |
| 1 соат 49 мин | 3 соат 6 минутдан кейин | |

**12.** Расмдаги тўпламга қаранг.

Геометрик фигураларни ранглари бўйича гуруҳланг. Нечта тўплам ҳосил бўлди? Бу тўпламларни ва уларнинг элементларини айтинг. Ҳар бир тўпламда нечта элемент бор?



**13.** Мулоҳазалар ростми ёки ёлғонми? Исботланг?

а) 8 сони 9 сонидан катта.
б) 16 сони 20 сонидан кичик.
в) 20 дан кичик сонлар тўплами элементларидан фойдаланиб, битта рост ва битта ёлғон мулоҳаза тузинг.

**14.** Қуйида берилган сонлардан фойдаланиб, иккита тўплам тузинг. Шунда биринчи тўпламдаги сонлар йиғиндисининг қиймати иккинчи тўпламдаги сонлар йиғиндисининг қийматига тенг бўлсин.

**1** **2** **3** **5** **8** **9**

**15.** Болалар турли рангда байроқчалар тайёрлашди. Аввал сариқ, сўнгра қизил, кўк ва яшил рангларга бўяшди. Агар улар бўяшни шу тартибда давом эттиришса, 15-байроқча қандай рангда бўлади?

# МАЪЛУМОТНОМА МАТЕРИАЛИ

## Ифода ва унинг қиймати

50 + 3 – йиғинди ёки ифода
50 + 3 = 53 – тенглик
50 – қўшилувчи
3 – қўшилувчи
53 – йиғиндининг ёки ифоданинг қиймати
53 – 3 – айирма ёки ифода
53 – 3 = 50
53 – камаювчи
3 – айрилувчи
50 – айирманинг ёки ифоданинг қиймати

## Қўшишни текшириш. Айиришни текшириш

Қўшиш ва айириш – ўзаро тескари амаллар. Шунинг учун *қўшишни айириш билан, айиришни қўшиш билан* текшириш мумкин.

42 + 36 = 78

42 – қўшилувчи, 36 – қўшилувчи,
78 – йиғиндининг қиймати.

78 – 36 = 42

78 – камаювчи
36 – айрилувчи
42 – айирманинг қиймати

78 – 42 = 36

78 – камаювчи
42 – айрилувчи
36 – айирманинг қиймати

## Амалларнинг бажарилиш тартиби

Аввал қавс ичидаги амал бажарилади.

$(15 - 8) + 40 = 7 + 40 = 47$
$12 + (65 - 40) = 12 + 25 = 37$
$64 - (100 - 37) + 38 = 64 - 63 + 38 = 39$
$(25 + 75) - (34 + 63) = 100 - 97 = 3$

## Тенглик

| Ёзилиши | Ўқилиши |
|---|---|
| $9 + 7 = 16$ | 9 билан 7 нинг йиғиндиси 16 га тенг. |
| $15 - 8 = 7$ | 15 билан 8 нинг айирмаси 7 га тенг. |

## Тенгсизлик

| Ёзилиши | Ўқилиши |
|---|---|
| $12 - 8 < 7$ | 12 билан 8 нинг айирмаси 7 дан кичик. |
| $9 + 6 > 13$ | 9 билан 6 нинг йиғиндиси 13 дан катта. |

## Сонли ифода

| Ёзилиши | Ўқилиши |
|---|---|
| $(30 + 20) - 3$ | 30 ва 20 сонларининг йиғиндиси билан 3 нинг айирмаси. |
| $7 + (18 - 9)$ | 7 билан 18 ва 9 сонлари айирмасининг йиғиндиси. |

## Ҳарфий ифода

| Ёзилиши | Ўқилиши |
|---|---|
| $a - 50$ | *a* билан 50 нинг айирмаси. |
| $b + 10$ | *b* билан 10 нинг йиғиндиси. |

## Қўшиш амалининг хоссалари

### Қўшишнинг ўрин алмаштириш хоссаси

$38 + 21 = 59$ $21 + 38 = 59$

### Қўшишнинг гуруҳлаш хоссаси

$(24 + 43) + 17 = 84$ $24 + (43 + 17) = 84$

## Тенглама ва уни ечиш

а) $x + 47 = 56$
$x = 56 - 47$
$x = 9$

$9 + 47 = 56$
$56 = 56$

б) $15 - c = 8$
$c = 15 - 8$
$c = 7$

$15 - 7 = 8$
$8 = 8$

б) $14 + x = 24$
$x = 24 - 14$
$x = 10$

$14 + 10 = 24$
$24 = 24$

в) $y - 26 = 17$
$y = 17 + 26$
$y = 43$

$43 - 26 = 17$
$17 = 17$

## Сонларни ўқиш ва ёзиш

| Ўнликлар | Бирликлар | Ўқилиши | Ёзилиши |
|---|---|---|---|
| 4 | 2 | қирқ икки | 42 |
| 5 | 3 | эллик уч | 53 |
| 6 | 0 | олтмиш | 60 |

## Икки хонали сонларни хона қўшилувчиларига ажратиш

$42 = 40 + 2$ $53 = 50 + 3$ $60 = 60 + 0$

## Икки хонали сонларни таққослаш

90 > 80, чунки 9 ўнл. > 8 ўнл.
39 < 41, чунки 3 ўнл. < 4 ўнл.
57 > 56, чунки 5 ўнл. = 5 ўнл., лекин
7 бирл. > 6 бирл.

## Сонлар таркиби

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **11** | 9 | 8 | 7 | 6 |
| | 2 | 3 | 4 | 5 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **12** | 9 | 8 | 7 | 6 |
| | 3 | 4 | 5 | 6 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **13** | 9 | 8 | 7 |
| | 4 | 5 | 6 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **14** | 9 | 8 | 7 |
| | 5 | 6 | 7 |

| | | |
|---|---|---|
| **15** | 9 | 8 |
| | 6 | 7 |

| | | |
|---|---|---|
| **16** | 9 | 8 |
| | 7 | 8 |

| | |
|---|---|
| **17** | 9 |
| | 8 |

| | |
|---|---|
| **18** | 9 |
| | 9 |

## Узунлик ва унинг ўлчов бирликлари

1 дм = 10 см
1 м = 10 дм
1 м = 100 см

## Масса ва унинг ўлчов бирликлари

1 ц = 100 кг

## Вақт ва унинг ўлчов бирликлари

1 йил = 12 ой
1 соат = 60 мин
1 сутка = 24 соат

1 мучал = 12 йил
1 ҳафта = 7 сутка

## Сиғим ва унинг ўлчов бирлиги




Идишга қуйилган суюқликнинг миқдори литр билан ўлчанади. Бу идишнинг сиғимини (ҳажмини) билдиради.

## Рим рақамлари

| 1 | 5 | 10 |
|---|---|---|
| **I** | **V** | **X** |

## Тўпламларнинг бирлашиш ва кесишиш диаграммалари




Тўпламларнинг *кесишиш жараёни*




Тўпламларнинг *бирлашиш жараёни*

## Икки хонали сонларни устун шаклида қўшиш

| | | |
|---|---|---|
| + | 3 | 4 |
| | 5 | 2 |
| | 8 | 6 |

1) Ўнликлар ўнликларнинг тагига, бирликлар бирликларнинг тагига ёзилади.
2) Бирликлар бирликларга қўшилади: 4 + 2 = 6. 6 бирликларнинг тагига ёзилади.
3) Ўнликлар ўнликларга қўшилади: 3 + 5 = 8. 8 ўнликларнинг тагига ёзилади.
4) Жавоб ўқилади: йиғиндининг қиймати 86 га тенг.

| | | |
|---|---|---|
| | 1 | |
| + | 4 | 3 |
| | 1 | 8 |
| | 6 | 1 |

1) Ўнликлар ўнликларнинг тагига, бирликлар бирликларнинг тагига ёзилади.
2) Бирликлар бирликларга қўшилади: 3 + 8 = 11. 11 = 1 ўнл. 1 бирл. 1 бирликлар тагига ёзилади, 1 ўнлик ёдда сақланади. Ёддан чиқармаслик учун 4 рақамининг устига 1 ёзиб қўйилади.
3) Ўнликлар ўнликларга қўшилади, 4 + 1 = 5 бўлади. 5 га ёдда сақлаган 1 ўнлик қўшилса, 5 + 1 = 6. 6 ўнликларнинг тагига ёзилади.
4) Жавоб ўқилади: йиғиндининг қиймати 61 га тенг.

## Икки хонали сонларни устун шаклида айириш

| | | |
|---|---|---|
| | 8 | 6 |
| − | 5 | 2 |
| | 3 | 4 |

1) Ўнликлар ўнликларнинг тагига, бирликлар бирликларнинг тагига ёзилади.
2) Бирликлардан бирликлар айирилади: 6 – 2 = 4. 4 бирликларнинг тагига ёзилади.
3) Ўнликлардан ўнликлар айирилади: 8 – 5 = 3. 3 ўнликларнинг тагига ёзилади.
4) Жавоб ўқилади: айирманинг қиймати 34 га тенг.

| | | |
|---|---|---|
| | 6̇ | 1 |
| − | 4 | 3 |
| | 1 | 8 |

1) Ўнликлар ўнликларнинг тагига, бирликлар бирликларнинг тагига ёзилади.
2) Бирликлардан бирликлар айирилади: 1 < 3. Шунинг учун 3 бирлик 6 ўнликнинг битта ўнлигидан ва 1 бирликдан айирилади.
   1 ўнл. 1 бирл. = 11, демак 11 – 3 = 8. Ёдда сақлаш учун 6 рақамининг устига нуқта қўйилади. 8 сони бирликларнинг тагига ёзилади.
3) Ўнликлардан ўнликлар айирилади, 6 нинг 1 та ўнлиги бирликларга олинган эди, шунда 6 – 1 = 5. У ҳолда, 5 – 4 = 1. 1 ни ўнликларнинг тагига ёзилади.
4) Жавоб ўқилади: айирманинг қиймати 18 га тенг.

# ГЛОССАРИЙ

**Айирмали таққослашга доир масала** – нечта ортиқ ёки нечта кам эканини топиш керак бўлган масала.

**Бир неча бирлик камайтиришга доир** масала – қанча бўлса шунча, бироқ бир нечта кам эканини топиш керак бўладиган масала.

**Бир неча бирлик орттиришга доир масала** – қанча бўлса, шунча ва яна бир нечта эканини топиш керак бўладиган масала.

**Дециметр** – узунликнинг ўлчов бирлиги.

**Диаграмма** – сонлар ва катталиклар орасидаги муносабатни яққол кўрсатадиган расм.

**Икки хонали сон** – ёзувида иккита рақам бўладиган сон.

**Йил** – вақт ўлчов бирлиги.

**Катталик** – нарсалар ёки ҳодисаларни ўлчаш ёки ўлчаш натижасини сон билан ифодалаб кўрсатиш мумкин бўлган хосса.

**Кетма-кетлик** – маълум тартиб билан жойлашган, қандайдир бир объектларнинг мажмуаси.

**Мантиқий масалалар** – ечиш учун атрофлича фикрлаш ва таққослашни талаб этувчи, аммо ҳисоблашлар ҳар доим ҳам зарур бўлавермайдиган масалалар.

**Мулоҳаза** – дарак гап тарзида айтилган фикр ва мулоҳаза бўлиб, у рост ёки ёлғон бўлиши мумкин.

**Масала** – кундалик ҳаётдаги воқеаларни тавсифловчи шарти ва унга мос саволи бор матн.

**Масаланинг чизмаси** – берилганлар ва топилаётганлар орасидаги боғланишларни ва муносабатларни тасвирловчи чизма.

**Натурал сонлар** – объектларни санаганда ва катталикларни ўлчаганда фойдаланиладиган сонлар: 1, 2, 3, ...

**Нолнинг хоссаси** – ҳар қандай сонга 0 ни қўшганда ва ҳар қандай сондан 0 ни айирганда шу соннинг ўзи чиқади.

**Нарсалар комбинацияси** – нарсаларнинг бир-бирига нисбатан турли усулда уйғунлик билан жойлашуви.

**Ой** – вақт ўлчов бирлиги.

**Рақам** – сонни ёзиш учун фойдаланиладиган белги.

**Сонни хона қўшилувчиларига ажратиш** – сонни хона сонлари йиғиндиси кўринишида бериш.

**Сонли ифода** – амаллар ишоралари билан давом этган сонлардан таркиб топган ёзув.

**Сиғим** – идишнинг ички бўшлиғининг ҳажми, яъни идишнинг ички ҳажми.

**Таққослаш белгилари** – «=» – тенг, «<» – кам, «>» – ортиқ.

**Таркибли масала** – икки ёки ундан ортиқ амал билан ечиладиган масала.

**Тўплам** – қандайдир бир умумий хоссага (аломатга) эга объектлар мажмуи, тўплами.

**Тўпламни таснифлаш** – тўпламни элементларнинг ўхшашлиги ёки фарқи бўйича ажратиш.

**Тенге** – Қозоғистоннинг пул бирлиги.

**Тенглама** – ҳарф билан белгиланган номаълумга эга тенглик.

**Тенгламани ечиш** – тенглик тўғри бўлиши учун унинг таркибидаги ҳарфнинг қийматини топиш.

**Тенгламанинг ечими (илдизи)** – тенгламага қўйганда тўғри сонли тенглик чиқадиган ҳарфнинг қиймати.

**Тенглик** – «=» белгиси бор математик ёзув.

**Тенгсизлик** – «<» ва «>» белгилари бор математик ёзув.

**Тўғри чизиқ** – текисликда боши ҳам, охири ҳам бўлмаган асосий геометрик фигура.

**Фазовий фигуралар** – барча нуқталари бир текисликда ётмайдиган фигуралар.

**Хулоса** – бирор бир фикрни исботлаб ойдинлаштирадиган мулоҳаза. У рост ёки ёлғон бўлиши мумкин.

**Чизма** – бирор бир объект (нарса) бўлакларининг муносабатини тасвирловчи чизма.

**Хона** – соннинг ёзилишида рақамнинг эгаллайдиган ўрни.

**Юзлик** – энг кичик уч хонали сон.

**Ясси фигуралар** – барча нуқталари бир текисликда ётган фигуралар (учбурчак, доира, квадрат ва тўғри тўртбурчак).

**Қавслар** – икки ёки ундан ортиқ амалли ифодаларда қўйиладиган белгилар.

**Қолдиқни топишга доир масала** – (“қолгани қанча? Нечта?” каби саволлари бўлган масала.

**Қўшиш жадвали** – иккита бир хонали сон йиғиндисининг қийматларини топиш мумкин бўлган жадвал.

**Ҳафта** – вақт ўлчов бирлиги.

**Ҳарфий ифода** – амал ишоралари билан давом этган сонлар ва ҳарфлардан таркиб топган математик ёзув.

**Ҳарфий ифоданинг қиймати** – ҳарфнинг берилган қийматини ифодага қўйгандан кейин кўрсатилган амални бажариш натижасида ҳосил бўлган сон.

**Ҳарфий тенглик** – ҳарфлар, амаллар ва «=» белгисидан таркиб топган математик ёзув.

## МУНДАРИЖА

### ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАР

1-дарс. Икки хонали сонларнинг тузилиши. Ўнликлар билан санаш ........ 4
2-дарс. Икки хонали сонларни тузиш, ўқиш ва ёзиш ........ 6
3-дарс. Икки хонали сонларнинг хона таркиби ........ 8
4-дарс. Икки хонали сонларнинг график модели ........ 10
5-дарс. Икки хонали сонларни таққослаш ........ 12
6-дарс. *Ўзингизни текширинг* ........ 14

### СОНЛАР УСТИДА АМАЛЛАР БАЖАРИШ. МАСАЛАЛАР

7-дарс. Қавсли ва қавссиз ифодалар ........ 16
8-дарс. 100 ичида хонадан ўтмасдан сонларни оғзаки қўшиш ва айириш ........ 18
9-дарс. 100 ичида хонадан ўтмасдан сонларни оғзаки қўшиш ва айириш ........ 20
10-дарс. 100 ичида хонадан ўтмасдан сонларни оғзаки қўшиш ва айириш ........ 22
11-дарс. 100 ичида хонадан ўтмасдан сонларни оғзаки қўшиш ва айириш ........ 24
12-дарс. Бир хонали сонларни хонадан ўтиб қўшиш ........ 26
13-дарс. Бир хонали сонларни хонадан ўтиб айириш ........ 28
14-дарс. Бир хонали сонларни хонадан ўтиб қўшиш жадвали ........ 30
15-дарс. Жадвал ёрдамида бир хонали сонларни хонадан ўтиб қўшиш ва айириш ........ 32

16-дарс. 100 ичида сонларни хонадан ўтиб оғзаки қўшиш ва айириш ....................34
17-дарс. 100 ичида сонларни хонадан ўтиб оғзаки қўшиш ва айириш ....................36
18-дарс. 100 ичида сонларни хонадан ўтиб оғзаки қўшиш ва айириш ....................38
19-дарс. Хонадан ўтиб оғзаки қўшиш ва айириш усуллари ....................40
20-дарс. *Ўзингизни текширинг* ....................42
21-дарс. Қавссиз ифодалар ва уларнинг қийматларини қулай усулда ҳисоблаш .....44
22-дарс. Ифодаларнинг қийматларини қулай усулда ҳисоблаш ....................46
23-дарс. Йиғиндининг қийматини ва қўшилувчиларни топишга доир масалалар ....................48
24-дарс. Қолдиқни, камаювчи ва айирилувчини топишга доир масалалар ....................50
25-дарс. Сонни бир неча бирликка орттириш ва камайтиришга доир масалалар....................52
26-дарс. Айирмали таққослашга доир масалалар ....................54
27-дарс. *Ўзингизни текширинг* ....................56

## КАТТАЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

28-дарс. Узунлик. Узунлик ўлчов бирликлари....................58
29-дарс. Масса. Масса ўлчов бирликлари ....................60
30-дарс. Ҳажм (сиғим). Ҳажм ўлчов бирликлари....................62
31-дарс. Катталикларни турли асбоблар ёрдамида ўлчаш. ....................64
32-дарс. Катталикларнинг қийматлари устида амаллар бажариш ....................66

33-дарс. *Ўзингизни текширинг* ..............................68
34–36-дарслар. Ўтилган материалларни такрорлаш. Мустаҳкамлаш ..............................70

## ИККИ ХОНАЛИ СОНЛАРНИ ҚЎШИШ ВА АЙИРИШ. ЮЗЛИКЛАР. МАСАЛАЛАР

37-дарс. Хонадан ўтмай икки хонали сонларни қўшиш ва айириш ..............................74
38-дарс. Хонадан ўтиб икки хонали сонларни ёзма қўшиш ..............................76
39-дарс. Хонадан ўтиб икки хонали сонларни ёзма айириш ..............................78
40-дарс. Юзлик. Юзликлар билан санаш. Юзликларни қўшиш ва айириш..............80
41-дарс. Сонлар кетма-кетлиги ..............................82
42-дарс. Ҳисоблашнинг қулай усуллари..............84
43-дарс. *Ўзингизни текширинг* ..............................86
44-дарс. Таркибли масала..............................88
45-дарс. Содда масалаларни таркибли масалага айлантириш ..............................90
46-дарс. Содда масалаларни таркибли масалага айлантириш ..............................92
47-дарс. Таркибли масалаларни ечиш ..............................94
48-дарс. Таркибли масалаларни турли усулдаечиш .96
49-дарс. *Ўзингизни текширинг* ..............................98

## КАТТАЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

50-дарс. Сонларни рим рақамлари билан ёзиш .....100
51-дарс. Вақт. Вақт ўлчов бирликлари..............102
52-дарс. Соат ёрдамида вақтни аниқлаш ..............................104

53-дарс. Катталикларнинг бирликларини шакл алмаштириш ва қийматларини таққослаш ........ 106
54-дарс. Катталикларнинг қийматларини қўшиш ва айириш ........ 108
55-дарс. *Ўзингизни текширинг* ........ 110

## ТЎПЛАМ ВА УНИНГ ЭЛЕМЕНТИНИ БЕЛГИЛАШ. $\in$ ВА $\notin$ БЕЛГИЛАРИ

56-дарс. Тўпламлар тузиш ва таснифлаш. $\in$ ва $\notin$ белгилари ........ 112
57-дарс. Сонлар тўпламини тузиш ва таснифлаш .. 114
58-дарс. Икки тўпламнинг бирлашмаси ва кесишмаси ........ 116
59-дарс. Икки тўпламнинг бирлашмаси ва кесишмаси ........ 118
60-дарс. Рост ва ёлғон мулоҳазалар ........ 120
61-дарс. Нарсаларнинг «Учлик» комбинацияси ........ 122
62-дарс. *Ўзингизни текширинг* ........ 124
63, 64-дарслар. Ўтилган мавзуларни такрорлаш. Мустаҳкамлаш ........ 126
Маълумотнома материали ........ 129
Глоссарий ........ 132

О қ у   б а с ы л ы м ы

**Оспанов Төлеген Қаражанұлы**
**Астамбаева Жұпат Қанапияқызы**
**Мергенбаева Нәзигүл Оразбайқызы**

**МАТЕМАТИКА**

1 - қ и с м

Жалпы білім беретін мектептің 2-сыныбына арналған

Редакторы *Л. Бөлтекова*
Көркемдеуші редакторлары *А. Лукманов, А. Айдарханова*
Техникалық редакторы *Ұ. Рысалиева*
Корректоры *Е. Амангелді*
Компьютерде беттеген *Г. Тасыбаева*

Мәтінін өзбек тіліне аударған *И. Гайпова*
Өзбек тілінде мәтінін беттеген *Г. Өтенова*

ИБ №4537

Басуға 23.08.2022 ж. қол қойылды. Пішімі 70×100 $^{1}/_{16}$.
Офсеттік қағаз. Әріп түрі «Мектептік». Офсеттік басылыс.
Баспа табағы 9,0. Шартты баспа табағы 11,7.
Таралымы 9000 дана. Тапсырыс №

«Атамұра» корпорациясы» ЖШС,
050000, Алматы қаласы, Абылай хан даңғылы, 75.

«Жазушы» баспасы
050009, Алматы қ., Абай даңғылы, 143,
тел. (727) 394 41 55; факс: (727) 394 41 64.
e-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-799-2

9 786012 007992